БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 237 (11.986)

Якшанба, 8 октябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР ТАЪСИРЧАН ВА ҲАЁТГА ЯҚИН БЎЛСИН

Шонли партиямиз, қаҳрамон халқимиз ва бутун прогрессив инсоният ҳаётида катта воқеа бўладиган қувончли фурсат — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXII съезди очиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Ўз жонажон партиясининг чақириқларига ҳамиша ҳозиржавоб совет халқи оламшумул тарихий ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси партиямиз съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқда.

Кўпмиллатли Совет давлатининг ажралмас қисми бўлган республикамиз меҳнаткашлари ҳам партиямиз съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байрогини тағин баланд кўтариб, ижодий меҳнат самараларини намойиш қилмоқдалар. Кўпчилик саноат корхоналарининг коллективлари ўн ойлик планни 17 октябргача уддалаш учун съезд олди вахтасида туриб, астойдил ишламоқдалар. Ўзбекистон пиллачилари эса бу йилги қийинчиликларни енгиб, планни бажарганликлари — давлатга салкам ўн беш минг тонна энг қимматли хомашё етказиб берганликлари ҳақидаги хушхабарни бутун мамлакат мамнуният билан кутиб олди. Она-Ватанга бу йил 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашаётган республикамиз пахтакорлари улкан марраининг иккинчи погонасига қадам қўйдилар. Давлатга шу қимматли хомашё сотиш планини аллақачон уддалаган ва ҳозир социалистик мажбурият ҳисобидан пахта топшираётган бригада ва колхозлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Тошкент область Юқори Чирчиқ район пахтакорларининг ғалаба рапортлари бугун-эрта бутун республикага таралади.

Буларнинг ҳаммаси Коммунистик партия улуғ Ленининг агар омма ўзи бажараётган ишнинг ҳаммасини билса ва ҳамма нарсага онгли киришадиган бўлса у ҳамма нарсанинг уддасидан чиқади, шунинг учун омма ўртасидаги ишни асло сусайтирмаслик керак, деган таълимотига изчиллик билан амал қилиб келаётганлигининг самарасидир. Республикамиздаги кўпчилик партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг барча куч ва ғайратини етти йиллигининг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашга тўла сафарбар қилиш йўлида идеология ишларининг ҳамма формаларидан усталик билан фойдаланмоқдалар.

— Колхозчилар ўртасида ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, — дейди Андижон область Янгиқўрғон районидаги «Ленинград» колхоз партия комитетининг секретари Ўртоқ З. Тожибоева, — қўшимча кучларни аниқлаш ва сафарбар қилиш, пировардида пахта териш ва давлатга сотиш суръатини кескин суратда кучайтириш имкониятини берди. Қишлоғимиз интеллигентларидан иборат кўп сонли агитаторларимиз давримизнинг буюк илҳомбахш ҳужжатлари бўлган КПСС янги Программаси ва Устави проектларини қунт билан пропаганда қиламоқдалар. Уларнинг оташин сўзлари артель аъзоларинигина эмас, шу билан бирга қишлоқдаги меҳнатга қурби келадиган барча аҳолини йиғим-теримга жалб қилишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шу туфайли, гарчи биз маррага яқинлашиб қолган бўлсакда, ҳозир ҳам кунига 2-2,5 процентдан кам пахта топшираётганимиз йўқ.

Чиндан ҳам, омма ўртасида ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган ҳамма жойда ана шундай қувончли, ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Афсуски, фактлар баъзи партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборишнинг сафарбар этувчилик кучига етарли баҳо бермаётганликларини, оқибатда район, колхоз, совхоз олдида турган хўжалик вазифаларини уддалашда нўноқлик қилинаётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Киров, Қўқон, Фрунзе районларида шундай аҳвол юз бермоқда. Бу районларнинг колхоз-совхозларидаги оммавий-сиёсий ишлар аҳволи шу долзарб кунларда мўл-кўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиб, давлатга топширишнинг муваффақиятини таъминлаш даражасида эмас. Областнинг Поп район партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида сиёсий агитация ишларини олиб боришда бой тажриба орттирганлар. Лекин уларнинг бу тажрибалари оммалаштирилмаётир.

Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё, Хўжайли районларида, Тошкент областининг бир қанча жойларида, жумладан Бекобод районида ҳам меҳнаткашлар ўртасида, биринчи навбатда колхоз-совхоз далаларида ишлаётганлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга тузук аҳамият берилмаётир. Мана бир мисол: районлаги энг йирик Дзержинский номли колхозда дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишларнинг чинакам марказига айлантирилмаган. Колхоз партия комитети (секретари Ўртоқ Бегматов) агитаторлар иши билан жиддий шуғулланмайди. Ҳолбуки бу ерда юздан ортиқ агитаторнинг фаолиятини кучайтириб, оммавий-сиёсий ишнинг бошқа воситаларидан ҳам тўла фойдаланиш ва шу тариқа колхозчиларнинг ҳамда қишлоқдаги барча аҳолининг бутун куч ва ғайратини пахта йиғим-теримидаги қолоқликни тугатиш, йирик хўжаликнинг илғорлик шуҳратини тиклаш учун ҳамма имконият мавжуд.

Оммавий-сиёсий иш — партия органлари ташкилотчилик фаолиятининг муҳим қисмидир. Ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлаш, айниқса ғанимат об-ҳавонинг ҳар соатидан унумли фойдаланиб, пахта йиғим-теримини кун сайин жадаллаштириш колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ аҳолиси, шаҳарлардан борган ёрдамчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни шу куннинг талаби даражасида олиб боришни талаб этади. Бу муҳим ишни шу хилда ташкил этиш эса ҳозирги вақтда қишлоқ партия ташкилотларининг, район ва область партия комитетларининг биринчи даражали вазифасидир.

ЖОВОД КЎЧИЕВ 111 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

СИРДАРЁ (Тошкент области), 5 октябрь. (ЎзТАГ). «Малик» механизациялашган пахтачилик совхозининг бригада бошлиғи Жовод Кўчиев машинада пахта териш мавсум топшириғини Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажарди. Республикада хизмат кўрсатган механизатор «ХВС-1,2» терим агрегатининг бункеридан 16 ши кунида 111,4 тонна «оқ олтин» тўкди.

Жовод Кўчиев КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, «ХВС-1,2» машинасида рекорд иш унумига эришди. Октябрнинг дастлабки кунларида ўн бир тоннадан, яъни белгиланган нормадан қарийб беш баравар кўп пахта термоқда.

Жовод Кўчиев машинада 300 тонна, яъни ўтган йили териб олганига нисбатан юз тонна кўп пахта теришга ваъда берди.

4,5-5 ТОННАДАН

Сурхондарё областидаги давлат тайёрлов пунктлари машинада терилган пахтанинг дастлабки бир неча юз тоннасини қабул қилди. Ҳозирги ёппасига машинада териб олиш мавсуми бошланди.

«ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозининг механизаторлари пахта териш техникасидан самарали фойдаланишнинг ажойиб намунасини кўрсатишмоқда. Совхозлаги ҳамма машиналар икки сменада ишламоқда. Илғорлар «ХВС-1,2» агрегатида кунига 7-8 тонна ва «СХМ-48» машинасида 4,5-5 тонна пахта териб, рекорд унумдорликка эришдилар. Худойберди Боймуродов билан Оллоберди Чориев, Мирза Бекмуродов билан Эшқул Абраматов, Жаъфар Ялаев билан Мамасанд Алимардоновлар ана шундай пахта термоқдалар. Совхознинг учинчи бўлимида ўн механизатор шу бўлимда ишлаётган беш юз теримчига нисбатан кунига ўн тонна кўп пахта териб беряпти.

Сурхондарё механизаторлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар қирқ беш минг тонна, яъни ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўп пахтани машинада теришга сўз бердилар.



ТОШКЕНТ область 2-«Далварзин» совхози 3-бўлимининг ишчиси Тўқниз Исмоилов ҳар куни 150-160 килограмм пахта теряпти. Суратда: Тўқниз ИСМОИЛОВ.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг ва ғўза баргини тўкиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 7 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш ва ғўза баргини тўкириш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш	Ғўза баргини тўкириш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими		
Андижон	1,55	55,50	15,51	59,31	94,0
Самарқанд	2,00	55,07	18,85	45,65	79,3
Сурхондарё	1,51	52,59	22,37	49,88	62,4
Хоразм	1,82	51,36	4,04	17,24	98,6
Тошкент	2,12	50,55	23,66	48,34	89,5
Бухоро	1,67	48,65	8,59	40,29	72,1
Фарғона	1,09	45,27	2,98	36,51	25,6
Қорақалпоғистон АССР	1,56	36,94	4,30	16,52	98,2

АНДИЖОН области. Ворошилов районидаги Ленин номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Ҳамрохон Хусанова КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, мавсумда 150 тонна пахта териш мажбуриятини олган эди. Ҳозиргача у хирмонга 30 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкди. Суратда: Ҳамрохон ХУСАНОВА теримда.

Л. Мейнерт фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОРЗУСИ УШАЛДИ

Пахтазор бамисоли қаҳ-қаҳ уряпти. Машинага деб қўйилган участкадаги чаноқларнинг лаби хандада. Ҳосил мени тезроқ териб ол деб турибди. Ана шу участкага бирданига ўн икки яшил кема сузиб кирганида қўшни пайкалда этакка пахта тераётган қизлар пўлат отли чавандозлар ўртасида комбинизон кийган кизга ҳавас билан қарашди. Бир пасда колхознинг олис-яқиндаги бригадаларида колхозимизда пахта тергани Турсуной келиб қолибди деган овозалар ҳам тарқалди.

— Назира, — деди теримчи қизлардан Турсун дугонасига, — кўряпсанми бункерини бир зумда уч марта бўшатди-я.

— Бекорга қаҳрамон бўлармиди?

— Сен билан биз бўлсак эртадан кечгача тиниб-тинчимай ишлаб, зўрға 220-230 килограммдан теряпмиз.

Чевар қизлар этакларини бўшатиш учун хирмонга келишганида, ҳалиги комбинизон ўзига ярашиб турган қиз Турсуной Охунова эмас, балки унинг минг-минглаб издошларидан бири — шу ерлик Рнхси Қаюмова эканлигини кўриб, ҳайрон қолишди.

Бултур худди шу кезда Рнхсихон ҳам терим машинасини юргизаётган қиз-жувонларнинг кўрганда уларга ҳаваси келарди. Меҳнат, ғайрат — орзунинг қаноти, интилган киши албатта ниятига етади. Мана бунинг жонли гувоҳи Рнхси Қаюмова. У «ХВС-1,2» машинасининг бункеридан хирмонга дастлабки кунларда 2,5 тоннадан, ҳозир эса уч ярим, ҳатто беш тоннадан пахта тўкиб, ишни қойил қиляпти.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози далаларида моҳир механик-ҳайдовчилар жавлон уряпти.

Колхознинг Йўлдош Тўлаганов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини колхозда биринчи бўлиб бажарди. Колхозда Мавжуда Мавлонова сингари ажойиб теримчилар бор. Мавжудахон катта хирмонга 7800 килограмм пахта тўкди. Тилла Рўзиқулова, Ҳалима Орипова, Шарофат Мингжасарова, Инобат Тўйчиева ўртоқларнинг ҳар бири ҳозиргача беш ярим-олти тоннадан пахта териб қўйишди. Колхоз правленнеси илғорларни рағбатлантириб турибди. Чевар теримчиларга бир неча марта мукофот берилди.

Колхоз даласида 12 та терим агрегати ишлаяпти. Қўл билан машинанинг ҳамкорлиги хирмонга барака киритяпти.

Ш. ШЕРАЛИЕВ.

КОМСОМОЛЛАР ИШДА НАМУНА КЎРСАТМОҚДА

ХОЛДЕВОНБЕК (Андижон области), 6 октябрь. (ЎзТАГ). Сталин номли тажриба-намуна колхози ҳосилни машинада теришда бир кунлик ўртача иш унуми жиҳатидан Холдевонбек районида энг юқори кўрсаткичга эришди. Механизаторлар пахта териш йиллик планини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажаришга, тўрт минг центнердан ортиқ пахта теришга аҳд қилдилар.

Комсомол аъзоси Омонхон Исмоилова фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. У терим машинасини бу йил биринчи марта ҳайдамоқда. У белгиланган топшириқни дастлабки кунлардаёқ ошириб бажара бошлади ва ҳар сменада бункердан уч тоннадан ортиқ пахта тўкмоқда. Унинг дугоналари Турғуна Ҳамдамова, Кўпайхон Эргашевалар ҳам яхши ишлаётирлар. Уларнинг ҳаммаси бир даладаги пахтани теради. Группа бўлиб ишлаш методи жуда яхши натижа бермоқда.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ШАҲЗОДА СУВАННА ФУМАГА ТЕЛЕГРАММАСИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Лаос король ҳукуматининг бош министри шаҳзода Суванна Фумаанинг 60 ёшга кириши муносабати билан унга Совет ҳукумати ва шахсан ўз номидан табрик юборди.

«Совет ҳукумати аминдирки, — дейилади телеграммада, Лаос халқининг Сизнинг ҳукуматингиз фаолияти программасида ҳамда Лаосдаги уч сиёсий куч олий мартабали вакилларининг Цюрих ахборотида белгиланган мақсадларни амалга ошириш йўлидаги кураши муваффақият билан якунланади, зотан, бу кураш барча тинчликсевар халқларнинг ва шу жумладан СССР халқи билан ҳукуматининг мададига таянади».

Телеграммада Совет ва Лаос халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳар иккала мамлакат бахт-саодати ҳамда Шарқи-Жанубий Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожлана ва мустаҳкамлана беради, деб ишонч билдирилади. (ТАСС).

МЕКСИКА ХАЛҚИГА ТАБРИК

МОСКВА, 6 октябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Мексика халқини миллий байрам — Мексика мустақиллиги эълон қилинган кунининг 151 йиллиги муносабати билан табриклади ҳамда унга янги муваффақиятлар ва равнақ тилади.

Л. И. Брежнев Мексика президенти Адольф Лопес Матеосга юборган телеграммасида иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик ўз халқларининг бахт-саодати йўлида, умумий тинчликни сақлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланади, деб умид билдиради.

Мексика президенти ўзининг жавоб телеграммасида табрик учун ташаккур изҳор қилади.

ПЕШҚАДАМ ТЕРИМЧИЛАР



Суратда: Самарқанд областидаги «Жомбой» совхози 2-бўлимининг илғор теримчиси Мақсуда САФАРОВА. Ўртоқ Сафарова кунига хирмонга 200-250 килограммдан пахта тўкмоқда.

В. Кожевник фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)



Суратда: Фарғона районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг теримчиси Мунисахон АҲМАДЖОНОВА, у ҳозиргача 8 тонна пахта терди.

Х. МАМАЖОНОВ фотоси



Суратда: Урта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхознинг чевар теримчиси Ширмон АҲМЕДОВА У КПСС XXII съезди очиладиган кунгача 9 минг килограмм пахта теришга аҳд қилган.

Ж. Ваҳобов фотоси.

ТАБИАТ МИКРООРГАНИЗМЛАР ЁРДАМИДА ЎЗГАРТИРИЛМОҚДА

Мамлакатдаги тўққиз республика олимларининг учрашувлари ўтказилган Тошкент олимлар уйининг залида экран дамба-дам ёришиб турди. Ўсимликларни ўраб олган, уларнинг ривожланишига жуда кучли таъсир кўрсатаётган сон-саноқсиз энг майда организмларнинг ажойиб тасвирлари экранда кўрсатилди. Шу микроорганизмларнинг таъсиридан қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини максимал ошириш учун қай тарзда фойдаланиш мумкин? Ана шу асосий проблема атрофида илмий дискуссия авж олиб кетди.

Ҳозирги замон микробиологияси табиатни ўзгартирувчи қандай мўъжизакор воситаларга эга эканлигини яхши билмайдиган кишига мунозара қатнашчиларидан кўпчилигининг нутқлари бир оз галати туюлиши мумкин эди. Олимлар бир қарашда жуда хаёлий бўлиб туйиладиган таклифларни айтилар ва айни маҳалда шу таклифларни тезроқ амалга ошириш йўлларини гоят конкрет равишда белгилаб олдилар.

Тупроқ ва қишлоқ хўжалик микробиологиясига бағишланган конференция 6 октябрда тамом бўлди. Конференцияда юзга яқин илмий доклад тингланди ва муҳокама қилинди.

Антибиотиклар — медицинада энг кўп тарқалган доривор бўлиб, ўсимликларнинг касалликларига қарши курашда ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Шу гапни дангал айтган Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институтининг директори С. А. Асқарова антибиотиклардан пахтачиликда фойдаланишдаги дастлабки тажрибалар натижасини сўзлаб берди

У айтдики, институт ўтказган тажрибаларда бу хилдаги моддалар ғўзанинг хатарли касалликлари — вилт, илдиз чириш ва гоммозни қўзғотувчи микробларни осонлик билан ўлдириб, ўсимликларнинг тўқимасига мутлақо зарар етказмади. Бунинг устига ана шу моддалар чигитнинг тез ниш уриши, униб чиқиши, ғўзанинг гуллаши ва ҳосил тугишига яхши таъсир кўрсатди.

С. А. Асқарованинг фикрича, тупроқни касалликларни қўзғотувчилардан зарарсизлантиришнинг биологик усули химиявий усулга нисбатан рентабеллироқ ва таъсирчанроқдир.

Совет олимлари тупроқ замбуруғлари таркибида бўлган моддадан ўсимликларнинг ўсишига стимул берувчи янги мўъжизакор доривор ҳосил қилдилар. Лўвиянинг уруғи ана шу доривор эритмаси билан ишланиб, лўвия экинларига бу доривор уч марта пуркалганда, ҳосил икки баравар кўпайди. Москва университети олимларидан бир группаси конференцияда ана шу тажриба ҳақида сўзлаб берди.

Бу ажойиб тажрибани ўтказишдан аввал тупроқ замбуруғларининг кўпчилигида ўсимликларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиб, уни кучайтирадиган ёки сусайтирадиган бирикмалар мавжудлиги кашф этилди. Шунингдек табиат ана шу хусусиятлардан кенг фойдаланиб, бу билан у ёки бу иқлим районидаги камчиликларнинг ўрнини қоплаб бориши аниқланди.

Тадқиқотчилар ўсимликлар ўсишига стимул берувчи, сўнгги йилларда кенг маълум бўлган гибберелинларга нисбатан янги дориворнинг муҳим афзалликка эга эканлигини аниқладилар. Бу доривор гибберелинлардан фойдаланиш вақтида кўпинча бўлганидек, пояларнинг ортиқча говлаб кетиши ва баргларнинг майда бўлишига таъсир кўрсатмайди. Унинг асосий таъсири меваларнинг ривожланишида кўринади.

Дашт ерлар биз ўйлаганчалик самарасиз эмас. Даштларнинг микрофлораси ўсимликлар илдизини озиқлантирувчи элементларни интенсив равишда ҳосил қила беради. Қорақумни ўзлаштириш тажрибаси шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалик ишлари ўтказилган дастлабки йилнинг охирига борганда, бу ерда тупроқнинг биологик ҳаракатчанлиги беш-ўн баравар ортади.

Ана шу тажриба тўғрисида доклад тақдим қилган Туркманистон Фанлар академиясининг Ботаника институти Қорақум канали зонасидаги янги суғорилган тоқир ва тақирсимон ерлардаги даштларнинг микрофлорасини ўрганиб чиқди.

Ўзбекистон олимлари конференцияга энг кўп миқдорда доклад тақдим қилдилар. Гарчи микробиология — республикамизда энг ёш фанлардан бири бўлса-да, деб таъкидлади Ўзбекистон Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг академик секретари А. М. Музафаров, у ҳозирдаёқ ўзининг кўпгина муваффақиятлари билан практикани бойитди.

Тупроқнинг ҳосилдорлигини вужудга келтиришда қатнашувчи микроорганизмларнинг шаклланишини йўналтириш методлари ишлаб чиқилди. Пахта ва беда ҳосилдорлигини анча кўтаришга қодир бўлган бактерия ўғитларининг янги турлари ҳосил қилинди. Радиоактив изотопларнинг ёрдами билан сутли-нордон бактерияларнинг ҳаёт кечириш қобилияти оширилди, бу эса ем-хашакни силослаш процессини тезлаштиради. Ана шу ва диққатга сазовор бошқа ишлар билан боғлиқ бўлган қидиришлар тўхтовсиз суратда кенгайтириб борилмоқда.

Конференцияда совет олимларининг энг янги назарий қоидалари тўғрисида бир қанча доклад қилинди. Шундай докладлардан бирини СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Е. Н. Мишустин ўқиди. У, бактерия ўғитларининг таъсир кўрсатиш ҳаракатини анализ қилиб берди.

Конференция қатнашчилари қабул қилган резолюцияда микробиологияни янада ривожлантириш перспективалари белгиланди, микробиология мамлакатимизда маҳсутомонидан қўйилган вазифани ҳал этишда қишлоқ хўлотлар мўл-кўлчилиги вужудга келтириш ҳақида партия жалик меҳнаткашларига ёрдам беради. (ЎзТАГ).

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ

БЕРЛИНДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

БЕРЛИН, 6 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг 12 йиллиги муносабати билан, бугун Берлиндаги давлат опера театрида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгаши, министрлар Совети ва Демократик Германия Миллий фронтининг Миллий кенгаши томонидан чақирилган тантанали мажлис бўлди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт ва Германия Демократик Республикасининг бошқа раҳбарлари, Совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, бошқа социалистик мамлакатлар партия-ҳукумат делегацияларининг раҳбарлари президиумга чиққанларида мажлис қатнашчилари уларни гулдурос овация билан кутиб олдилар.

Тантанали мажлисни Демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг раиси профессор Эрих Корренс очди.

Германия Демократик Республикасининг 12 йиллиги тўғрисида ўртоқ В. Ульбрихт нутқ сўзлади.

В. УЛЬБРИХТ нутқи

Германия Демократик Республикасининг аҳолиси, деди В. Ульбрихт, республиканинг 12 йиллигини ўзининг ҳамма дўстлари билан бирга Германия сулҳ шартномаси учун кураш муваффақиятли ривожланаётган вазиятда нишонламоқда. Ҳозирги вақтда Ғарбий Германиянинг тинчликсевар кучлари ғарбий герман давлатининг бу Германия сулҳ шартномасида иштирок этишига эришолмаётган эканлар, Ғарбий Германияда сулҳ шартномаси тузиш учун шарт-шароит вужудга келмагунча ҳали муайян вақт ўтиши лозим экан, у ҳолда ғарбий герман давлати Германия сулҳ шартномасига кейинроқ қўшилиш имкониятига эга бўлади. Ҳар ҳолда, Германия сулҳ шартномаси ҳамма немисларга тааллуқли масалани тинч йўл билан ҳал қилиб беради.

В. Ульбрихт шу муносабат билан Ғарбий Берлин масаласига тўхталиб, Германия Демократик Республикасининг ўз чегараларини қўриқлаш соҳасида 13 августда кўрган чоралари тўғри эканлигини уқтириб ўтди.

Ғарбий Германиянинг реванш сиёсатчилари бундан бир неча ой муқаддам Германия Демократик Республикасидаги ишчи-деҳқон ҳокимиятига қарши катта ҳужум бошлаганларида ва Гитлердан ўрнак олиб, граждан урушига ва умуман урушга замин тайёрламоқчи бўлганларида, деди у, ишчилар синфи уларга тегишли жавоб берди. Аҳоли ҳамма табақаларининг намояндалари Ғарбий Берлиндан олиб борилган қўпорувчилик ва диверсиячилик ишларига хотима беришни, одамфурушликка, уларнинг спекуляциячилик фаолиятига барҳам беришни талаб қилдилар ҳамда Германия Демократик Республикасини мустаҳкамлаш ишига, яъни тинчликни таъминлаш ишига бутун кучларини сарф қилишга ваъда бердилар.

Биз шу нарсани мамнуният ва миннатдорчилик билан таъкидлаймизки, деб давом қилди В. Ульбрихт, Совет Иттифоқи ва СССР Министрлар Советининг Раиси дўстимиз Н. С. Хрушчев сулҳ шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал этиш тўғрисидаги ҳаққоний миллий талабларимизни қўллаб-қувватлаш йўлида катта ташаббус кўрсатдилар.

В. Ульбрихт Германия Демократик Республикаси билан сулх шартномаси тузишга тайёргарлик муносабати билан СССР ва Варшава шартномасининг бошқа қатнашчилари бир қанча ҳарбий ва сиёсий тадбирларни амалга оширганликларини таъкидлаб, бу тадбирлар тинчлик душманларини ўйламай ҳаракат қилишдан огоҳлантириб қўйиши лозим, деди.

В. Ульбрихт немис халқи тинчликсевар кучларининг сулҳ шартномаси тузиш йўлидаги интилишини қўшилмаган бир қанча мамлакатларнинг раҳбар давлат арбобларигина эмас, балки бошқа мамлакатлар ҳам қўллаб-қувватлаётганлигини мамнуният билан таъкидлади. Ҳозирги вақтда, деди у, НАТО мамлакатларида ҳам, шу жумладан таъсирли доиралар ҳам жаҳондаги кучлар нисбатининг ўзгарганлиги сабабли бошқа йўл қолмаганлиги учун Германия ҳақидаги адолатсиз нореал тасаввурлардан қандай қилиб воз кечиш ва реал асосда иш кўришга киришиш керак деган фикр ўзига йўл очмоқда. В. Ульбрихт бундай деди: Бу ҳам бизнинг изчил ва принципиал ташқи сиёсатимизнинг натижасидир.

В. Ульбрихт Ғарбий Германиядаги аҳволга тўхталиб, жумладан, бундай деди:

Ғарбий Германия ўз тараққиётининг бурилиш нуқтасида турибди. 13 август тадбирлари фикр юритиш учун озиқ берди. Бу тадбирлар кўп кишилар учун вазиятга реалроқ баҳо бериш вазифасини ҳал этишни енгиллаштирди. Германия сулҳ шартномасини тузиш Ғарбий Германия аҳолисини янада кўпроқ ўйланиб қолишга мажбур этади. Ғарбий Германия аҳолиси ўзига ҳаққоний равишда бундай деб савол бермоқда: Америка молия капитали ва унинг ҳарбий министрлиги манфаатлари билан бир ёқлама алоқаларни узиш пайти келмаганмикин? Барча давлатлар билан, аввало, Германия тинчлик давлати, Германия Демократик Республикаси билан, монополистлар ҳам, ҳарбий саноатчилар ҳам бўлмаган давлат билан нормал тинч муносабатлар ўрнатиш пайти келмаганмикин? Бу саволга фақат бир жавоб бўлиши мумкин: Ҳа, бундай пайт келди! Аллақачон пайт келди!

Сўнгра В. Ульбрихт 'муайян вақтдан кейин фақат ички хавфсизликни сақлаш мақсадида полиция кучларигина қолишини назарда тутиб, иккала герман давлатини босқичма-босқич қуролсизлантиришни ёқлаб чиқди. Ҳарбий жиҳатдан бетараф Германияни вужудга келтиришнинг бу йўли немис халқимиз учун энг яхши йўлдир ва келажакда Германиянинг қайта бирлаштирилишини таъминлайди, деди у. Масалани шундай ҳал қилиш Европадаги ва жаҳондаги бошқа барча халқларнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушган бўлур эди.

Сўнгра В. Ульбрихт Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг тинч социалистик қурилишда эришган муваффақиятларига тўхталиб, баъзи рақамларни келтирди.

Бу муваффақиятлар, деди В. Ульбрихт, республика саноати ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда янада ривожлантиришнинг фақат дастлабки муваффақиятларидир. Коммунизмнинг биринчи босқичи — социализм қурилишини муваффақиятли тугаллашимизга, сўнгра Совет Иттифоқидан намуна олиб, коммунистик жамият қуришни бошлаб юборишимизга ҳеч нарса халақит беролмайди.

Германия Демократик Республикасининг 12 йиллиги кунида биз қасамёд қилиб айтамизки, Германия Демократик Республикаси немис миллатининг байроқдори сифатидаги тарихий ролини дадил ва мардлик билан бажариши учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз, деди пировардида В. Ульбрихт.

Сўнгра профессор Корренс А. И. Микоянга сўз беради. Мажлис қатнашчилари уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

А. И. МИКОЯН нутқи

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топширигига мувофиқ ҳамда совет халқи номидан сизларни ва сизлар орқали Германия Демократик Республикасининг ҳамма меҳнаткашларини ажойиб байрам—Германия тарихида биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати ташкил топган куннинг XII йиллиги билан қизғин табриклашга ижозат бергайсиз, дейди А. И. Микоян мажлис қатнашчиларига мурожаат килиб.

Мен Никита Сергеевич Хрушчевнинг ўз номидан сизларга энг қизғин салом ва энг яхши тилаклар топшириш ҳақидаги шахсий илтимосини ҳам зўр мамнуният билан бажараман.

А. И. Микоян Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари ўз давлати қурилишида ажойиб муваффақиятларга эришганликларини таъкидлайди. Германия Демократик Республикаси ишчилар синфи Германия тарихида биринчи марта янги социалистик жамият қура бошлаганлиги ҳамда тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашдек олижаноб ишни ўз қўлига олганлиги билан гоят катта хизмат кўрсатди.

Германия Демократик Республикасининг халқаро обрўси йил сайин ўсмоқда, унинг жаҳондаги кўп давлатлар билан муносабатлари мустаҳкамланмоқда ва кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳонда тарихан вужудга келган фактни—икки герман давлатининг мавжуд эканлигини ҳамманинг эътироф этишини талаб қилувчи овозлар тобора қатъий эшитилмоқда. Кўшилмаган мамлакатларнинг Белградда бўлиб ўтган конференцияси қатнашчилари ҳам буни ҳаққоний равишда таъкидладилар. Яқинда Берлинда бўлиб ўтган Халқаро касаба союз конференцияси ҳам буни якдиллик билан баён этиб, қирқ етти мамлакат ишчилари кўп миллионли армиясининг иродасини ифода этди. Нью-Йоркда бўлаётган Бош Ассамблея сессиясининг кўп делегатлари ҳам шу ҳақда гапирмоқдалар. Совет Иттифоқи Германия Демократик Республикасини ва Германия Федератив Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш масаласини ҳал этиш пайти келди, деб ҳисоблайди.

А. И. Микоян айтадики, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида қарор топган муносабатлар самимий дўстлик ва маҳкам ўзаро ҳамкорлик билан характерланади.

У Совет Иттифоқи Германия Федератив Республикаси билан ҳам дўстона муносабатлар ўрнатиш учун изчиллик билан ҳаракат қилмоқда, деб таъкидлайди.

Ҳозирги кунда, деб давом қилди А. И. Микоян, Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатлар Германия сулҳ шартномасини тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириб, бу билан иккинчи жаҳон уруши қолдиқларини тугатиш учун актив кураш олиб бормоқдалар.

Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўз халқининг фикри ва манфаатларини ифода этганида эди, уруш ва тинчликдан иборат асосий масалада унинг фикри Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг фикридан фарқ қилмаслиги керак эди. Бироқ, Ғарбий Германиянинг милитарист ва реваншист кучлари, Германия Федератив Республикасининг сиёсатини белгилаётган собиқ гитлерчи генераллар Ғарбий Германияни ўз-ўзини ўлдириш йўлига бошламоқдалар.

Бони ҳукумати немис халқининг бирлигига эришиш ишида Германия Демократик Республикаси билан ҳамкорлик қилишдан бош тортибгина қолмай, балки ишчи ва деҳқонлар давлатига нисбатан душманлик сиёсатини авж олдирмоқдалар.

Бироқ, А. И. Микоян таъкидлаб ўтганича, Бонн реваншчилари бир нарсани эътиборга олмаётирлар. Бу нарса шундан иборатки, Германия Демократик Республикаси мустаҳкам социалистик давлат бўлиб, халқ оммасининг қўллаб-қувватлашига таянмоқда ва СССР ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан иттифоқдадир.

Совет ҳукумати, деди А. И. Микоян, иккинчи жаҳон уруши қолдиқларига хотима берадиган ва Германиянинг Потсдам қарорлари билан белгиланган чегараларини, шунингдек, иккала герман давлати ўртасидаги чегарани юридик жиҳатдан расмийлаштирадиган Германия сулҳ шартномасининг тузилиши ғарбий герман реваншчиларининг қўлини боғлаб қўйишига ва уларнинг Европада «янги тартиб» вужудга келтиришдек авантюристик планларини амалга ошириш йўлида жиддий ғов бўлишига қаттиқ аминдир.

Германия сулх шартномасини тузиш Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан Ғарб давлатлари ўртасидаги муносабатлардаги кескинлик сабабини анча даражада бартараф қилган бўлур эди, улар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш учун йўл очиб берган бўлур эди, бу эса умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Германия сулх шартномаси ҳозирги замоннинг туб проблемасини—ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш учун қулай шароит яратган бўлур эди.

Совет Иттифоқи Германия сулх шартномаси тузишни ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини ҳал этиб, уни самарали халқаро гарантиялар берилган эркин ва демилитаризациялаштирилган шаҳарга айлантиришни таклиф қилади. Шу билан бу шаҳардаги оккупацион режим тугатилади. Бу барча тинчликсевар халқларнинг, шу жумладан немис халқининг ҳам манфаатларига жавоб беради. Бизнинг таклифларимиз Европада ва бутун дунёда тинчликни сақлаш ва таъминлаш тўғрисида чуқур ғамхўрлик руҳидаги таклифлардир.

Кейинги вақтда жаҳон жамоатчилиги энг зарур халқаро проблемаларни тинч йўл билан бартараф қилиш ва биринчи навбатда Германия сулх шартномасини тузиш масаласини ҳал этиш мақсадида Шарқ билан Ғарб ўртасида музокаралар олиб борилишини тобора қатъий талаб қилмоқда.

Совет ҳукумати музокараларда қатнашишга тайёр. Совет ҳукумати Германия сулх шартномаси ҳақидаги масалада тутган ўз позициясини, бу масалани халқаро вазиятни кескинлаштирмаган, бирор давлатнинг қонуний манфаатлари камситилмаган ҳолда, тинч бартараф қилишда қатнашувчи ҳамма давлатлар билан бамаслаҳат келишиб ҳал этиш нияти ва истагини Ғарб давлатларига тушунтириш йўлида кўпгина куч ва ғайрат сарфлади. Ғарб давлатлари жамоатчиликни алдаш учунгина музокаралар ҳақида гапириб, амалда эса Германия сулх шартномаси ҳақидаги масалани орқага суришни истаётган эканлар, биз манфаатдор бошқа давлатлар билан биргаликда суверен немис давлати — Германия Демократик Республикаси билан сулх шартномаси тузишга мажбур бўламиз.

Шу шартнома асосида Ғарбий Берлиндаги аҳвол ҳам нормаллаштирилади. Шу муносабат билан мен бизнинг тинчлик таклифларимизга таҳдид солиш билан жавоб берувчиларга шуни айтмоқчиманки, Европа марказида вазиятни соғломлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган бу чораларни амалга оширишга халақит бера оладиган куч йўқ. Бу масалага оқилона қараш Ғарб давлатларининг сиёсатида ҳам устун чиқади, деб умид қиламиз.

Пировардида А. И. Микоян Германия Бирлашган социалистик партиясига, Демократик Германия Миллий фронтига кирган ҳамма партияларга ҳамда Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига социалистик қурилишдан иборат улуғ ишда, Европада ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш учун курашда янада муваффақиятлар тилади.

У Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг табригини ўқиб эшиттирди. Залдагилар табрикни қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

А. И. Микояндан кейин Польша Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси П. Ярошевич, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат Людмила Янковцова ва Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Жак Дюкло мажлисда нутқ сўзладилар.

Сўзга чиққанларнинг нутқлари гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИБ

Қўқон шаҳар саноат комбинати коллективи жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, ишлаб чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Корхона коллективи 8 ойлик планни бир ҳафта илгари ортиғи билан бажарди ва пландан ташқари 56 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Комбинат коллективининг бу катта муваффақиятига тормоз накладкалари ишлаб чиқариш цехи коллективи катта ҳисса қўшаётир. Пешқадам ишчилардан Ғ. Назаров, У. Каримов, С. Холмирзаев ва И. Мелибоев сингари ўртоқлар смена топшириқларини 140—150 процентга етказиб бажармоқдалар.

Р. МАМАЖОНОВ.

2 МИНГ ТОННА ҚЎШИМЧА НЕФТЬ

МАРҲАМАТ, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). «Полвон тош» нефть конининг коллективи ёнилги чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Нефть қудуқларини капитал ремонт қилиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилгани туфайли 2 минг тоннадан ортиқ қўшимча ёнилги олинди. Конда фақат шу йилнинг ўзида 65 та рационализаторлик таклифи амалга оширилганлиги натижасида 15 минг сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди.

АТС ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 8-қурилиш трестининг 2-қурилиш бошқармаси съездга муносиб туҳфа тайёрлади. Қурувчилар 22 сентябрь куни Фарғона шаҳрининг марказида қурилаётган кўп қаватли районлараро АТСини фойдаланишга топширдилар. Бу — телефон алоқасини тўрт марта ошириш имкониятини беради.



Янгийўл консерва заводи шарбат цехининг коллективи партиямиз съезди очилиш кунигача 2 минг 400 тонна узумни қайта ишлаш мажбуриятини олган. Бу мажбуриятни амалга оширишда цех ишчиларидан Озодахон Аҳмедова ва Клавдия Кобзева ўртоқлар намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаряптилар. СУРАТДА (чапдан ўнгга): О. АҲМЕДОВА ва К. КОБЗЕВА ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КОСОНСОЙ, (Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ремонт-қурилиш конторасининг коллективи йиллик программани муддатидан илгари бажарди. Д. Воҳидов, Д. Саримсоқов, С. Ҳамзаевлар бошлиқ комплекс бригадалар коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашиб, энг яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Бинокорлар ва ремонтчилар ишнинг аъло сифатли бўлиши учун, материал ва маблағ тежаш учун самарали кураш олиб бормоқдалар.

ЙИЛИГА 8 МИЛЛИОН ДОНА ҒИШТ

Хўжаобод районидаги колхозлараро қурилиш ташкилотининг моддий-теҳника базаси кенгаймоқда. Шу йилнинг ўзида «Правда» колхози территориясида оҳак цехи қурилди. Газ билан ишлайдиган ғишт заводи фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида завод йилига 8 миллион дона ғишт пиширади. Бу райондаги барча қурилиш эҳтиёжини қоплайди.

Завод ишчилари партия XXII съезди очиладиган кунгача бир миллион ва йил охиригача 3 миллион дона ғишт пишириш мажбуриятини олдилар.

Л. МАҲМУДОВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ҒЎЗАПОЯ—САНОАТНИНГ МУҲИМ ХОМ АШЁСИ»

Шелуха камчиллигидан республикамиздаги гидролиз заводлари тўла қувват билан ишламаётир. Бунинг устига илмий тадқиқотлар натижаси ғўзапоянинг шелухадан анча афзаллигини кўрсатди. Андижон гидролиз заводининг тажрибаси шуни тасдиқладики, 1 тонна ғўзапоядан 40 литргача спирт ва 7 процент фурфурол олиш мумкин. Бироқ ғўзапоядан саноатнинг муҳим хом ашёси сифатида фойдаланишга эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Ҳ. Усмонов, академик О. Содиқов ва инженер В. Михина ўртоқлар шу ҳақдаги мулоҳазаларини билдирган эдилар.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши кимё саноати бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. Булаченко редакциямизга мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилди:

«Гидролиз учун ғўзапоядан фойдаланиш масаласи 1956 йили кўтарилган эди. Шу давр ичида заводларда ғўзапоядан фойдаланишнинг технологик режими ҳам ишлаб чиқилди ва шундан кейин республика Халқ хўжалиги кенгаши кимё саноати бошқармаси ихтиёридаги гидролиз заводлари ғўзапоя ишлатишга мослаб тахт қилиб қўйилди. Бироқ республика қишлоқ хўжалик министрлиги ҳам, шунингдек ғўзапояни йиғиб, гидролиз заводларига сотишга даъват этилган бошқа ташкилотлар ҳам бу масала билан жиддий шуғулланмаётирлар».

РЕДАКЦИЯ муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бу масалага республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг, шунингдек бошқа алоқадор ташкилотларнинг диққат-эътиборини яна бир марта жалб қилади.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

БУНДАН БУЁН ОБ-ҲАВО ЎЗГАРИБ ТУРИШИ МУМКИН. ГРАФИКДАГИ ПАХТАНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЗАРУР ЧОРАЛАРНИ КЎРИНГ!

СУШИЛКА ХЎЖАЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ УНУТМАНГ!

МАШИНА ТЕРИМИГА, ҲОСИЛНИ ҚОП-ҚАНОРСИЗ ТАШИШГА ЗЎР БЕРИНГ!

ҲАММА ЕРДА ТЕРИМЧИЛАРНИНГ УНУМЛИ ИШЛАШИГА ЭРИШИНГ!

БУХОРОДА ТЕРИМ ГРАФИГИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ

Энгельс номли колхознинг Даврон Ашуров бошлиқ бригадасига қарашли кенг пайкалларда пахта оппоқ очилиб ётибди. Ҳамманинг мақсади бутун йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирилган «оқ олтин» нинг бир граммини ҳам нобуд қилмай ва ёғингарчиликка қолдирмай тезроқ йиғиб-териб олишдир. Бригадада ҳар куни графикдаги 25 тонна ўрнига 30-33 тоннадан пахта тайёрланаётир. Бу—йиллик планнинг 3 процентини ташкил этади.

Бригаданинг баракали хирмонига муносиб ҳисса қўшаётганлар орасида Ҳалима Ярашова, Муҳаббат Раҳимова, Розия Гулмуродова, Шарофат Савриева, Ўғилой Давронова каби ўнлаб чевар теримчилар бор. Уларнинг нияти катта—КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бригада хирмонига камида 10 тоннадан «оқ олтин» тўкишдир. Чевар теримчилар бу марраларига етай деб қолишди. Ҳалиманинг ҳисобига ҳозиргача 9 тонна, Муҳаббатнинг ҳисобига 8,5 тонна, Розиянинг ҳисобига 8 тонна пахта ёзилди. Шарофат ва Ўғилойнинг терган пахтаси ҳам 8 тоннадан ошиб кетди.

Шу райондаги Карл Маркс номли, Калинин номли ва «Москва» колхозларида ҳам пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ғиждувон районида энг кўп пахта етказиб берадиган бу йирик колхозларда йиллик план 57-60 процент ўртасида бажарилди. Карл Маркс номли колхоз пахта тайёрлашда Бухоро областида иккинчи ўринда боряпти. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бунга ишга яроқли барча кучларни теримга сафарбар этиш, уларнинг меҳнатини тўғри ташкил қилиш йўли билан эришмоқда.

«Ромитан» совхозида кейинги кунларда терим суръати янада тезлаштирилди. Совхоз коллективи сўнгги ўн кунликда йиллик планнинг 21,7 проценти миқдорида пахта тайёрлади. Совхозда ҳамманинг диққат-эътибори мўл ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишга қаратилган. Пахта териш ва тайёрлашда юз берган энг кичик камчиликка ҳам катта нуқсон деб қаралади ва ўз жойида дарҳол муҳокама қилиниб, унинг олди олинади.

Бухоро областининг ҳамма пахтакор колхоз ва совхозларида ҳам йиғим-теримни ана шундай тез суръатлар билан олиб борса бўлади. Областда ҳар куни йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорида пахта тайёрлаш учун барча шарт-шароит бор. Пахта оппоқ очилиб кетган, ишчи кучлари кўп, терим машиналари ва транспорт воситалари етарли. Аммо бу катта имкониятлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Аввало, йиғим-теримда ташкилотчилик етишмаётир. Колхоз ва совхозлардаги ишга қобилиятли кучлар теримга тўла сафарбар этилмаяпти. Шу кунларда теримда 120 минг киши қатнашиши лозим бўлса, ҳақиқатда пахта тераётганлар 80 минг кишига ҳам етмайди. Бунинг устига, далада ишлаётганларнинг иш унуми жуда паст. Ҳар бир теримчи кунда ўртача 80 килограмм ўрнига 48-50 килограммдан пахта термоқда.

Айрим районларда аҳвол жуда ёмон. Қизилтепа районида асосий куч унчалик зарур бўлмаган иккинчи даражали ишлар билан банд қилиб қўйилган. Теримда камдан-кам колхозчи қатнашмоқда. Калинин номли колхозда кунига 1820 киши ўрнига 730-750 колхозчи пахта термоқда. Теримчилар ўртасида интизом бўшаштириб юборилган, меҳнат тўғри ташкил этилмаган, уларнинг терган пахтаси далада тортиб олинмайди, узоқ жойлардаги хирмонларга келтириб топширилади. Бу эса, меҳнат унумининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бригадада ҳар куни 27 тонна ўрнига 15-16 тоннадан пахта тайёрланаётир. Колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини энди 25,47 процент бажарди.

Бухоро районидаги «Ленинизм» колхозида ишга яроқли 800 колхозчининг ҳаммаси теримга сафарбар этилса ва уларнинг кунлик терим нормасини бажаришларига эришилса, кунда ками билан 64 тонна пахта тайёрлаш мумкин. Ҳақиқатда эса, ундан икки баравар кам пахта териб топширилмоқда. Бир кунда 557 колхозчи теримга қатнашиб, ҳар бири атиги 29 килограммдан пахта терди, йиллик планнинг бор-йўғи 0,86 процентини миқдорида пахта тайёрланди. Бунинг сабаби — йиғим-теримнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидир. Колхоз раиси ўртоқ О. Убайдов далага камдан-кам чиқади, чиққанида ҳам камчиликларни билиш ва уни тузатиш учун қизиқмайди. У бригада бошлиқларига нисбатан талабчан эмас.

Райондаги бошқа колхозларда ҳам аҳвол шундай. Районда кунлик пахта териш ва тайёрлаш графигини бажариш учун ҳамма асос бор. Бироқ район партия ва совет ташкилотларининг раҳбар ходимлари, аввало райком секретари Ғ. Юсупов, райижроком раиси Р. Мўминов ўртоқлар ўзлари маъқуллаган бу графикларнинг тўла бажарилиши учун курашмайдилар, улар йиғим-теримга қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар. Шунинг учун районда ҳар куни йиллик планга нисбатан атиги 1,55-1,60 процентдан пахта териб топширилмоқда.

Областдаги илгор механик-ҳайдовчилар ўзларига ишониб топширилган агрегатларни моҳирлик билан бошқариб, ҳосилни машинада теришнинг афзаллигини амалда кўрсатмоқдалар. Шофрикон районидаги «Қизил байроқ» колхозининг механик-ҳайдовчиси ўртоқ Х. Зоирова «ХВС-1,2» машинасининг бункеридан ҳар куни 1,5-2 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқда. Мавсумда 200 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган бу қизнинг ҳисобига ҳозиргача 35 тоннадан кўпроқ пахта ёзилди. Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг республикада хизмат кўрсатган механизатори Обида Ҳамроева қисқа вақт ичида машинада 40 тоннадан ортиқ пахта терди. Пешқадам хўжаликларда машиналар ишга туширилгандан кейин терим суръати янада кўтарилди.

Аммо, шунга қарамай кўпгина колхозларда терим машиналарига етарли баҳо берилмаяпти. Пахта ёппасига очилиб кетган бир вақтда терим агрегатларининг тўла ишга туширилмаётганлиги ана шундан далолат беради. Областдаги 700 та агрегатдан ярмиси ҳам ишлатилмаётир. Далага чиқарилганларининг ҳам иш унуми жуда паст. Ишлаяпти деб ҳисобланган 300 та машина билан кунда ўртача 400 тоннадан пахта териляпти. Когон районидаги «Коммунизм» колхозида 3 та машина билан 8 кунда бор-йўғи 24,4 тонна, «Когон» совхозида 8 та агрегат билан 37,7 тонна пахта терилган. Охунбобоев номли, Калинин номли колхозларда ғўза барги яхши тўктирилган бўлса ҳам, машиналар ҳали ишга туширилмаган. Қизилтепа районида ишлаётган 15 та агрегатнинг ҳар бири билан кунда 1 тоннага етар-етмас «оқ олтин» терилмоқда. Бундай аҳволда областда машиналар билан 50 минг тонна пахта териш юзасидан олинган мажбурият қачон бажарилади?!

Тайёрлов пунктларидан кўплаб пахта қайтарилмоқда. Бунга колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари билан бир қаторда тайёрлаш органларининг ходимлари ҳам айодор. Чунки улар пахтани хом териш, ифлос ва нобуд қилиш натижасида хўжаликларга, давлатга моддий жиҳатдан катта зарар етишини теримчиларга яхши тушунтирмаётирлар. Қандай пахтанинг қайси сортга кириши пунктларда, колхоз ва совхозларда кўзга кўринарли жойларга ёзиб қўйилган эмас. Колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, қишлоқлардан теримга сафарбар этилган ёрдамчиларнинг диққат-эътибори пахтани чаноқларда қолдирмасдан ва ерга тўкмасдан хиллаб теришга қаратилмаган.

Бухоро области бу йил мамлакатга 300 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериши керак. Бунинг учун кунда давлат ҳазинасига графикдаги «оқ олтин» тўкилиши зарур. Ҳозир тайёрланаётган пахта жуда оз. Бу аҳвол область партия ва совет ташкилотларини ташвишлантириши керак эди. Афсуски, бундай бўлмаяпти. Уларнинг ҳамма ишчи кучларини теримга сафарбар этиш, терим агрегатларини тўла ишга солиш, шу йўл билан кунда 2,5-3 процентга етказиб пахта тайёрланишига, давлатга мумкин қадар кўпроқ юқори сифатли маҳсулот етказиб берилишига эришиш ҳақидаги қарорлари қоғозда қолиб кетяпти.

Т. ТЎРАЕВ, Ҳ. САИДОВ, Г. ЛАТИПОВ, У. САТТОРОВ, Ж. ХОЛОВ, Э. МАДАМИНОВ — «Қизил Ўзбекистон»нинг Бухоро областидаги мухбирлар постлари аъзолари.

Б. МАҲМУДОВ, «Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

Қалбимиз сенга, Жонажон партия!

АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ БОШ ЙЎЛ — ХАЛҚ ТУРМУШИ БИЛАН АЛОҚАНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН, СОЦИАЛИСТИК ВОҚЕЛИКНИНГ БОЙЛИКЛАРИ ВА РАНГ-БАРАНГ ТОМОНЛАРИНИ ҲАҚҚОНИЙ ВА ЮКСАК БАДИИЙ РАВИШДА АКС ЭТТИРИШДАН, ЯНГИ, ЧИНАКАМ КОММУНИСТИК ВОҚЕЛИКНИ ИЛҲОМ БИЛАН ВА ЯҚҚОЛ ГАВДАЛАНТИРИШДАН ҲАМДА ЖАМИЯТНИНГ ОЛҒА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ҲАММА НАРСАНИ ФОШ ЭТИБ БОРИШДАН ИБОРАТ.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектидан).

ЗАМОН ВА АДАБИЁТ

ЯШИН,
Ўзбекистон ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида коммунизм қурилиши шароитида мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти билан бир қаторда адабиёт ва санъатнинг тараққиёти ва унинг нурафшон истиқболи ҳақида ажойиб фикрлар баён қилинган.

Улуғ давримизнинг маъно ва мазмуни, аҳли ва виждони — Коммунистик партия мамлакатимизда коммунизм қуриш ишини совет халқларининг туб интернационал вазифаси деб ҳисоблайди. Бу эса жумла жаҳонинг эрксевар инсонларига баҳор нафасидай бегубор улуғлик, беўлчов истиқбол бахш этувчи бир вазифадир. Коммунизм фақат эртанги кунингнинг дилрабо манзараси, келажакнинг оҳанграбо жамолигина бўлмай, коммунизм шу билан бирга бизнинг бу кунимиз, бу кунги ҳаётимиз билан бу ҳаётнинг келажаги, унинг мангу барқарор муаззам кошонаси ҳақидаги хаёлнинг синтезидир.

Ана шу қутлуғ вазифани бажармоқ учун муносиб меҳнат қилаётган, коинотнинг тожи ҳисобланган азамат инсон бизнинг давримиз қаҳрамонидир. Совет адабиёти ва санъатининг вазифаси ана шу улкан революцион фикрли, заковати, қудрати ва мўъжизакор меҳнати билан оламни ҳайратга солган давримиз қаҳрамонининг фазлу камолини, феъл-атворини, дилу жонини, бир сўз билан айтганда, характерини очиб кўрсатишдир.

Улуғ Горький бундан 30 йил муқаддам «...Адабиётда ажойиб қаҳрамонни, ҳатто эртакларда ҳам бўлмаган ва дунёни қайта қурмоқчи бўлган қаҳрамонни тасвирлаб бериш вазифаси турибди. Катта коллективнинг барча фазилатларини бир кишида мужассамлаштириб, уни қаҳрамон қилиб кўрсатиш олдимизда вазифа бўлиб турибди. Бу қаҳрамон буюк кучга эга бўлган ва эҳтимол бир замонлар Шекспир яратган қаҳрамонлардан ҳам кучлироқ тип бўлади!» деб бизга уқтирган эди.

Совет ёзувчиси иқболи баланд, бахтиёр, ўз вазифаси моҳияти ва ўз табиати эътибори билан гуманист ёзувчидир. У яшаётган замон янги ахлоқ, фазлу камол, тушунча ва муносабатлар, янгича дўстлик ва биродарлик мазмуни, ҳатто ишқ-муҳаббат туйғулари ҳам янгича. Одамзод онгига ана шу янги тушунчаларни сингдириш, янги ҳис-сезгиларни пайвандлаш, янги инсоний ажойиб фазилатларни таннум қилиш ҳар бир адиб ва шоир учун қандай бахт, қандай шараф!

«...Совет адабиёти дунёда бор ва бўлиб ўтган адабиётлар ичида энг бахтли адабиёт, унинг ижодчилари энг бахтли одамлардир» деб ёзган эди севикли ва забардаст шоиримиз Ҳамид Олимжон.

Совет адабиёти катта ижодий меҳнат қилаётган миллионларга севинч ва илҳом манбаи бўлган бир адабиётдир. Ҳаётдан зорланиш, оҳ-фиғон кўтариш унинг табиатига ёт. Биздаги оптимистик руҳ жуда гўзал ва янги бир кайфиятки, кўп асрли адабиётимизнинг тарихида бирон санъаткорга бу руҳ, бу завқу шавқ, бу шодиёна кайфият насиб бўлмаган.

Зулм-зулмат, социал адолатсизлик, қабоҳат ва талон-торож ҳукмрон бўлган ноинсоф жамиятда меҳнаткаш халқ билан бирга унинг санъаткори ҳам эзилар, «Золим замон, кажрафтор фалакдан» шикоят қилиб, зор йиғлар, унинг алам-дард, қайғу-ҳасрат тўла оташ нафас ғазаллари инсон бахтига ғорат солган разил кучлар устидан чиқарилган айбномадек эшитилар эди.

Агар ўзбек халқининг мумтоз ва буюк шоири Муҳаммад Амин Муқимий:

Фиғону минг фиғон бу чарх кажрафтор дастидин

деб фарёд қилса, яна бир хассос аллома шоир Зокиржон Фурқат:

Ичим қон ўлди даврон ғуссасидин,
Бу даврон ичра ҳижрон ғуссасидин,
Фалак ғаддордир, кажрав замона,
Киши кўрмас мурувватдин нишона

деб зорланди. Синфли жамиятнинг бўғиқ ва рутубатли ҳавосида хуноба ютган бу жафокаш шоирларнинг фарёди — халқ фарёди, халқ юрагидан отилган олов парчалари эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан бошланган янги даврон эксплуатация ва ижтимоий адолатсизликка асосланган қурилишни тамом ағдарди, зулм-жафо занжирларини улоқтириб ташлади. Ленин даҳоси билан тузилган Коммунистлар партияси меҳнаткашларни ёруғ йўлдан коммунизм жамияти томон улуғ сафарга етаклади.

Биз ажойиб замонда яшамоқдамиз. Совет халқи партия раҳнамолигида ўзининг битмас-туганмас ижодий қуввати ва яратувчилик қобилияти туфайли сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида оламшумул ғалабаларни кун сайин қўлга киритмоқда.

Совет халқининг қўрқмас семурғлари — Гагарин ва Титовлар мардона бир ҳамла билан осмонни ҳам ёқасидан тутиб, жиловлаб ер қўлига тутқаздилар.

Ўзбекистон республикаси нинг меҳнаткашлари ҳам Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг ягона қардошлик оиласида ажойиб меҳнат зафарларига эришмоқдалар. Совет кишиларининг қўлга киритган бу муваффақиятлари чет эллардаги тескаричиларни — нур ва адолат душманларини даргазаб қилмоқда. Шу сабабли улар янги олам, янги ҳаёт қуриш йўлидаги ҳаракатимизга халақит бериш, адолат ва озодлик, тинчлик ва демократия кучларининг бузилмас бирдамлигига путур етказиш учун турли макр-ҳийлалар қилиб шанғаж, иғво, бўҳтон ва жосусликни ишга солмоқдалар.

Ҳар қандай провокациялар, дўқ-пўписалар бизни бу улуғ азмимиздан қайтара олмайди. Барча халқлар билан тинч ва иноқ яшашдан иборат ўз сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи бутун дунёда тинчлик, фаровонлик, эрк, омонликнинг тантана қилиши учун ҳормай-толмай кураш олиб боради.

Совет адабиёти ва санъати коммунизм қуриш учун олиб борилаётган ана шу шиддатли курашда ҳамиша партия ва халқ хизматига ҳозир. Партия адабиёт ва санъатга, унинг ривожи ва эҳтиёжига, улкан ва мураккаб ижодий вазифаларни ҳал этмоғи учун унинг ғоявий жиҳатдан мустаҳкамланишига ҳар доим жиддий аҳамият бериб келаётир.

КПСС XX, XXI съездлари, партиямиз Марказий Комитетининг ундан кейинги Пленумларининг тарихий қарорлари, партия ва ҳукумат раҳбарлари совет зиёлиларига вакилларини бир неча бор қабул қилганлиги, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР ёзувчиларининг учинчи съездидаги нутқи, унинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлаш учун», «Адабиёт ва санъатнинг янги муваффақиятлари сари» деган мақолалари, ниҳоят партиямизнинг янги Программаси проектида айтилган сўзлар жонажон партиямизнинг халқнинг эстетик тарбиясига қанчалик катта аҳамият бериб, ёзувчиларга нақадар меҳрибонлик кўрсатаётганлигини, адабиётнинг халқ учун қанча азиз, қанча зарур нарса бўлиб қолганлигини намойиш қилади.

«Оптимизм ва ҳаётбахш коммунистик идеалар билан суғорилган совет адабиёти ва санъати катта ғоявий-тарбиявий роль ўйнайди, совет кишисида янги дунё қурувчисига хос ҳислатларни ривожлантиради. Совет адабиёти ва санъати миллионларча кишилар учун шодлик ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши, уларнинг иродаси, ҳисси ва фикрларини ифодалаши, уларнинг ғоявий бойиши ва маънавий тарбияси учун восита бўлиб хизмат қилиши лозим».

Партия Программаси проектида баён қилинган бу фикрлар адабиётчиларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади. Партиянинг бу юксак баҳоси ва меҳрибонлиги натижасида сўнгги йилларда совет адабиёти ва санъати кишиларимиз маънавий оламининг ва унинг зўр ишининг зарурий, ажралмас, муҳим бўлаги тарзида гуллаб-гуркираб кетди. Биз бу гуллаб-гуркирашни кўп миллатли совет адабиётининг илғор отрядларидан бири бўлган ўзбек совет адабиёти тимсолида яққол кўрамиз.

КПСС XXI съездидан буён ўтган давр ичида ўзбек совет адабиёти замонавийликка томон дадил юз ўгирди.

Замонавийлик — давримизнинг энг асосий темаси, энг катта илҳом манбаи, энг юксак идеалидир. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ўз қарорларида декада тажрибасини ҳисобга олиб Ўзбекистон адиблари, шоирлари, драматурглари ва барча санъат ходимлари олдига бир қанча актуал вазифалар қўйиб, бадиий адабиёт ва санъатда замонавийлик темасини ёритиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Партиямизнинг даъватларидан руҳланган, ўз асарларидан ҳаётимиздаги барча ижобий, коммунистик жиҳатларнинг ривожланишига ёрдам беришни, барча янги жиҳатларнинг тантанасини кўрсатишни ўзининг асосий туб вазифаси деб билган республикамиздаги қалам соҳиблари зўр илҳом, завқ-шавқ билан қўлларига қалам ушлаб халқ орасига кириб бордилар ва шу кунниг кўпгина актуал темаларини ҳалқчиллик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёркин акс эттириб бердилар.

Шароф Рашидов ҳозирги кунниг актуал темасига бағишланган «Бўрондан кучли» романи ва Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести билан умум совет адабиёти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар. Асқад Мухтор давримизнинг ёш авлодларига бағишланган «Туғилиш» романи билан китобхонларни хурсанд қилди. Ҳамид Ғулом «Машъал» романининг иккинчи китобини тугатиб нашриётга топширди. Назир Сафаров ўзбек халқининг қаҳрамон қизи Турсуной ҳақида «Олисни кўзлаган қиз» деган повесть ёзди. И. Раҳим «Оловкор». П. Қодиров «Қадрим» повестларини ёздилар. Мирмуҳсин муҳим актуал темада «Чиниқиш» романини тугатиб дўстлари муҳокамасидан ўтказди. Ш. Алядин социалистик шаҳар одамлари ҳақида «Агар севсанг» романини нашрга берди. С. Анорбоев ҳам чорвадорлар ҳақидаги романини тугатди.

(Давоми 4- бетда).



Суратда: Тошкент бадиий кашта тикув фабрикасининг илғор ишчиларидан Доно ЁҚУБОВА.

Ж. ВАҲОБОВ фотоси.

Собир АБДУЛЛА

ҒАЙРАТ ҚИЛИНГ

Бўшатма Андижон, илғорлигингда тошу салмоғинг,
Кўтар юксакка донгдорликдаги шавкатли байроғинг,
Тутиб мавкеин қўлда ҳар район, ҳар қайси қишлоғинг,
Кун оша катта хирмонларга олтиндан қилиб тоғинг,
Ошир суръатни бундан ҳам, шараф, олдинда бормоғинг!

Баҳору ёзда қилган меҳнатинг, кузда намойишкор —
Тугиб ҳар тупда ўттиз шона, туккан ҳосили отбор,
Уни ўз вақтида термоғу топширмоқ, бўлиб даркор,
Улуғ айём яқин, бўлсин съездга туҳфа, эй илғор,
Букун илғорлигингни кўрсатиб, ғайрат қилур чоғинг.

Инғим осон эмас, йиғмоқ учун имкон сўрар мавсум,
Маишат дастғоҳи: кенг, сўлим шийпон сўрар мавсум,
Териб элтиш қулайроқ, кунга пеш хирмон сўрар мавсум,
Яқинроқ ясли, боғча, доктору дармон сўрар мавсум,
Қилур хизмат терингга шу муҳим мансум учун боғинг.

Юкинг вазмин! Валекин тортасен, нор Андижон область
Улуғворлик ярашган, эй улуғвор Андижон область,
Таниқли пахтакорсен, ишда довкор Андижон область,
Оқ олтин, нефту маъдан, боғу гулзор Андижон область,
Агар тош экса, олтин ундирар қобил бу тупроғинг.

„Жулдуз“—ўзбек ва қорақалпоқ адабиётига бағишланиб чиқди

Қозоғистон ёзувчилари союзининг органи — «Жулдуз» журналининг янги сони Қозоғистонда бўладиган ўзбек адабиёти ўн кунлигига бағишланиб чиқди. Журнал «Адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги» деган бош мақола билан очилади. Ўзбекистон ёзувчилари союзининг биринчи секретари Комил Яшиннинг «Қардош адабиётлар тўйи» деган мақоласи босилган. С. Муқановнинг мақоласи, Ойбек, Ғ. Ғулом, Уйғун, Зулфия, Н. Сафаров, Миртемир, Ҳ. Ғулом, А. Мухтор, М. Шайхзода, Мирмуҳсин, Шуҳрат, С. Аҳмад, Р. Бобожон, Ю. Ҳамдам, Н. Фозилов, Қорақалпоқистоннинг таниқли ёзувчилари С. Нуримбетов, Ж. Оймурзаев, Т. Жумамуродов, Қ. Дўсанов, И. Юсупов ва бошқаларнинг асарларидан намуналар ва портретлари босилган.

Қозоқ ёзувчиси Б. Исҳоқов ўз мақоласида Ўзбекистонда ўтган кўнгилли учрашувлар ҳақида мамнуннят билан ёзади.

«Жулдуз» журналида Ўзбек ёзувчиларидан ва шоирларининг китоблари қозоқ тилига таржима қилиниб, босилиб чиққани ҳақида ҳам хабар қилинади.

ЖАНГЧИ ШЕЪРЛАРИ

МАТРОСОВГА

Матросов, сен буюк жанг бўронида,
Фашист йиртқичларга очганингда ўт —
Мен беш яшар эдим онам ёнида...
Номинг яшамоқда, бўлмас ҳеч унут.

Матросов, кўксингни қилганда қалқон,
Беркитган кезингда ёв ДЗОТини,
Менинг умримни ҳам сақладинг омон,
Ёв ўчира олмади қалбим ўтини.

Мана, йиллар ўтди, ўсиб мен — уканг
Шинель кийиб, белни боғладим маҳкам.
Ватан ҳимоясн — муқаддас бурчим,
Шонли постда ҳушёр турибман бу дам.

СОҚЧИ

Саф тортишиб шаҳардан ўтдик,
Халқ фахр-ла шод силкиди қўл.
Чол-кампирлар «омон бўлинг!» деб,
Қизлар тутди қўлимизга гул,

Юрт, тинчини қўриқлаш билан
Сазовормиз халқ олқишига.
Халқ олқиши олишдек улуғ
Яна қандай бахт бор кишига!

ПОСТДА

Булут сузар кўкда оҳиста,
Тебранади елда шох-ниҳол...
Мен тураман кўп сергак постда,
Кўзимда нур, қўлимда қурол.

Бир-бирига урилар шохлар,
Гувуллайди тинмай шаршарак,
Гўё дер: «хой, постдаги соқчи,
Ғафлат босмай сергак бўл, сергак!»

Мен: «юрт бахтин асрашчун доим
Сергакман!» деб жавоб айтаман.
Ел қучади, сергак бўлмоғим
Эсга солиб қайта-қайтадан.

ҚУРОЛДОШ ДУСТИМГА

Эй Ватан постида мен-ла ёнма-ён
Қўлга қурол тутиб тик турган ўртоқ!
Бугун кечагидан сергак турайлик,
Эртага бугундан яна сергакроқ!

ЮЛДУЗ

Дам олиш кунлари сергурунг
Шаҳар кўчасида юраман.
«Аскар ака, юлдузингизни беринг!»...
Деган болаларни кўраман.
О, бийрон тил укажонларим,
Сиз ҳам мендек бўлиб ўсасиз
Метин қалқон бўлиб юрт кўксин
Душман ҳамласидан тўсасиз.
Ана шунда она юрт ўзи
Бу юлдузни тақиб қўяди.
Тинчлик юртини ёқут юлдузи,
Пешонада порлаб туради.

Эргаш ЕНДОШЕВ,
сержант.





КПСС нинг XXII съезди муносабати билан Москвада очиладиган бадиий асарлар виставкасига ўзбекистонлик рассомларнинг ҳам асарлари юборилди. СУРАТДА: В. И. ЖМАКИНнинг «Оқшом оҳанглари» ва У. ТАНСИҚБОЕВнинг «Чирчиқ» номли расмлари.

Э. Каминский фотолари.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИДАН

УЧ ШЕЪР

Сильва КАПУТИКЯН.

МУҲАББАТ СЎЗЛАРИ

Нурга тўлган тупроғингда мен,
Ва калбингнинг тубидаги ишқ.
Мамлакатнинг қайноқ кўксида
Мен қоламан бўлиб Айастон.

Жозибалар этса ҳам мафтун,
Мен—ҳароратсиз, сен музлаганда.
Аламингга—бир маҳрам сингил
Ва дардингга ўзимман дармон.

Маст этганда гавжум шаҳарлар,
Саройларнинг мармар тошлари.
Мен арманга муқаддас Гарни
Деворидан кичик бир харсанг.

Не тўлқинли зўр денгизлар
бор,
Сирлар, чуқур денгиз сиридан.
Мен тоғликлараро яширинган,
Инғланмаган кўз ёши Севан.

Кимни севу, кимга мафтун бўл,
Мен биламан қайтиб келасан.
Алам ютиб сени кутаман
Беихтиёр бўлиб сенга, Ван.

ЕРЕВАН ОВОЗИ

Сен овоздан тўқилгансан, сен бахт тасвири,
Кун ғовури ва оқшомнинг чироқларисан.
Сўнган юлдузсимон сўнса Ереван кундузи,
Юлдуз нури бўлиб ҳамон олға борасан.

Фақат овоз эмас, янги қасрдан жараинг
Кечалари арман тилда сен урасан жом.
Овозларнинг қанотида жаҳонга тарал,
Арман ерии соғинган ҳар дилга бўл ором.

Тарал овоз, қайтишгандир ишдан оталар,
Гарчанд парча-нон кўйида толишган кучдан.
Лекин уйда бобо, бола, келин-оналар.
Сенга муштоқ, кутадилар келишинг тундан.

Шу уйларга азиз қўшиқ, куй бўлиб қуйил,
Қулоқларга айтиб ўтсин она юрт сўзин.
Жаҳон чўлин кезган ташна арманга бўл йўл,
Ереван суви. Араратнинг қори бўл ўзинг.

Қўшингингдан майли хорғин ғурбатдаги чол,
Она қишлоқ, ё йигитлик йилларин топсин.
Майли, тушсин кўк тоғлардан қўю қўзи, мол,
Майли, қизлар ёш чўпонга мўралаб боқсин.

Гар ухлашиб қолган бўлса мурғак гўдаклар,
Йўргак бўл сен, бўлгин она юртнинг осмони.
Хурмозорда шивирлашсин бизнинг тераклар,
Нилда Занғу айтган алла тутсин самони.

Бизнинг қадим тил сўлмоқда ёшлар лабзида,
Неча фарзанд танҳоликда сарсон ва тарқоқ.
Қуриётган тилимизга ҳаёт бер тезда.
У бемадор оёқлар-чун бўл она тупроқ.

Сен уларга бизнинг янги руҳ кучин элит.
Тошларимиз матонатин танига сингдир.
Янги элнинг ҳаётбахшлик чўғи-ла ёт юрт
Кули босган ишонч ўтин аланга олдир.

Сен арманга қалб бўл, қон қуй хорғин томирга,
Юртлараро, сувлар узра кўприк бўлиб ёт!
Бор, жаҳонга сочиқ халқим бошин қўш бирга,
Эй, Ереван овози, сен, абадий ҳаёт!

МЕНИНГ УМРИМ

Менинг умрим, қуриётган Севан кўлисан,
Йиллар эса уидан чиққан шўх оқар Занғу.
Жўшқин оқиб, тоғ-тошлардан ошиб қулийсан.
Мен биламан, кўп ўтмайин тугайсан мангу.

Идрок этгин, ҳар бир томчи энди ҳисобда,
Тунелларнинг, тўғонларнинг қучоғига кир.
Турбиналарга қудрат бўлгин чақирган чоғда,
Далаларга, кию боғларга янги ҳаёт бер.

Узумларга шарбат тўккин қатрама-қатра,
Бошоқларнинг, дарахтларнинг томридан жой ол.
Оқимингдан она тупроқ топсин-чун баҳра
Сен денгизга борма, ернинг кўкрагида қол.

Сен уйларда чироқ бўлиб ёниб тур порлаб,
Дастурхонда нон бўл, ош бўл, ҳаттоки шароб.

ЗУЛФИЯ таржимаси.

МЕҲНАТ КУЙЧИСИ

Қорасув соҳилида унча катта бўлмаган, шинамгина уй жойлашган. Бу уй, гўё сувга ҳурмат билан тикилиб тургандек туюлади. Ҳа, бу бежиз эмас. Бутун қишлоқни сувга сероб қилган шу кичик шўх анҳор эмасми? Колхоз пахтазори, экинзорлар, чорвалар, одамлар шу сувдан баҳра олади.

Рассом Зокир Иноғомовнинг ёшлик ва болалик йиллари ҳам ана шу колхоз қишлоғида, Қорасув соҳилларида ўтди. У бу ерда ғишт терувчи ишчи оиласида туғилган.

Колхоз ҳаётининг гўзаллиги, енгил халқ юмори, янги колхоз кишиларининг қайноқ меҳнати, янги одамлар бўлажак рассом Зокирнинг диққатини тортди. Бу нарсалар кейинчалик унинг ижоди учун мавзу, асосий илҳом манбаи бўлиб қолди.

Талантли рассомнинг чизган суратлари халқ ҳаёти, унинг кучқудратига самимий ишонч руҳи билан суғорилган. Томошабинлар Зокир Иноғамов чизган расм, портретларни завқланиб кўрадилар. Чунки, уларда колхоз қишлоғининг жонли ҳаёти, даврамиз кишиларининг қаҳрамонлиги ва интилишлари акс этган. Зокир Иноғомов 1939 йилда Тошкент бадиий рассомлик санъати техникумини тамомлагач, армия хизматига чақирилди. Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши мардонавор курашди.

50-йилларга келиб рассомнинг ижоди янада равнақ топди. Бу даврларда у ўзининг «Ошпаз», «Сартарош колхоз шийпонида», «Чойхоначи», «Пахтани суғориш» ва «Тушки овқат вақти» деган асарларини яратди. Иноғомов бу уч картинаси учун 1960 йилда Республика мукофотини олди. «Пахтани суғориш» картинаси эса Москвада, Бутуниттифоқ бадиий санъат виставкасида намойиш қилинди. Сўнгра, бу картина «Огонек» журналида ҳам босилиб, кенг ўқувчилар оммасининг диққатини ўзига жалб этди. Рассомнинг «Сут соғувчи Зуҳра Комилова» портретини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу асарда илғор сут соғувчининг жонли образи моҳирлик билан ифодаланган.

Зокир Иноғомовнинг ҳозир ижодий таланти ва куч-қудрати айни барқ уриб турган пайт. Қайноқ давримиздан илҳомланган, меҳнат кишиларининг образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган рассомнинг бундан кейин ҳам халқимизни янги-янги асарлар билан қувонтиришига ишонамиз.

Р. ТОҚТАШ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг старший илмий ходими.

Адабиёт саҳифаси

ЗАМОН ВА АДАБИЁТ

(Боши учинчи бетда)

С. Аҳмад чўлларни бўстон қилаётган замондошларимиз ҳақида бир қанча ҳикоялар яратиб «Чўл шамоллари» номи билан нашриётга топширди. Шунингдек Ҳ. Назиринг «Маяк сари», Ш. Ғуломовнинг «Порлоқ йўллар» китоблари нашр этилянти.

С. Зуннунованинг ҳикоялар тўплами чиқди. Адҳам Раҳмат Ватан урушн қаҳрамонлари ҳақида китоб ёзди М. Исмоилий янги асар устида ишлаяпти.

Шеъриятда ҳам анча асарлар яратилди. Ғафур Ғуломнинг партия, улуғ Ленин тўғрисидаги чуқур ғоявий шеърлари, Уйғун, Зулфия ва Миртемирнинг даврнмизнинг энг актуал темаларига бағишланган бақувват ва эҳтиросли поэтик асарларини алоҳида кўрсатиш лозим.

М. Шайхзода. Шуҳрат, Ҳабибий, Собир Абдулла, Мирмуҳсин, Рауф Ғалимов, М. Бобоев, Шукрулло, С. Зуннунова, А. Иванов, Б. Пармузин, В. Костиря, Туроб Тўла, Темир Фаттоҳ, С. Акбарий сингари шоирларнинг матбуотда янги ва замонанинг нафасига ҳамоҳанг, жўшқин шеърлари, поэмалари тез-тез босилянти.

Р. Файзий, И. Муқимов, Ҳ. Назир, Ҳ. Нуъмон, И. Шамшаров актуал очерклар ёздилар.

Сўнгги йилларда драматургиямизда ҳам юксалиш юз берди; И. Султоновнинг «Имон», Р. Бобожоннинг «Тоға-жиянлар», марҳум Б. Раҳмоновнинг «Мардлар қиссаси», О. Ёқубовнинг «Олма гуллаганда», Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» шеърий трагедияси, Душан Файзийнинг «Зарафшон қизи» пьесаси театрларимизда кўрсатилди.

Драматург Уйғуннинг муҳим мавзуни кўтарган «Шубҳа» пьесаси саҳнага қўйилди, у томошабинларимизга жуда манзур бўлмоқда. З. Фатхуллин ва Р. Бобожон ўртоқлар замон темасида янги пьесалар яратдилар.

Қуддус Муҳаммадий, Ғайратий, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин, Эсон Раҳимов, Шукур Саъдулла, Илёс Муслим болалар ва ёшлар учун асарлар ёздилар.

Адабиётимизга А. Абдураззоқ, Ҳ. Салоҳ, Э. Воҳидов, Ў. Умарбеков, Ҳ. Шарипов, Ю. Шомансур сингари ўз сози ва ўз овозига эга дуркун ёш қаламлар кириб келди. Буларнинг публицистик пафос, лирик нафосат билан ажралиб турган ҳушбўй шеърлари, поэмалари — катта-кичик имтиҳондан ўтиб, маҳоратни ошлаш учун дадил интилаётганликларини кўрсатади.

Адабиётшунослик ҳам, бадиий танқид ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Адабий мерос ва Ўзбекистон совет адабиётининг муҳим масалаларига бағишланган бир талай илмий ишлар ёзилди. Бу соҳада В. Зоҳидов, Г. Владимиров, Ҳ. Ёқубов, И. Султонов, Ю. Султонов, Ҳ. Абдусаматов, А. Қаюмов, В. Абдуллаев, М. Юнусов, О. Шарофиддинов, Р. Муқимов, Т. Собиров, Ҳ. Раззоқов, Ф. Насриддинов ва бошқа ўртоқлар унумли ишламоқдалар.

Ўзбек совет адабиёти жонажон Коммунистик партиянинг XXII съездини янги совғалар, романлар, повестлар, пьесалар, поэмалар, ўзбек ва рус тилида нашр қилинаётган тўпламлар билан кутиб олади. Шу кунларда Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Сергей Бородин, Шароф Рашидов, Михаил Шевердин, Александр Удалов каби пешқадам ёзувчиларимиз янги, йирик асарлар ёзмоқдалар.

Бироқ, мамлакатимизда рўй бераётган янгиликлар, совет кишиси кўрсатаётган шу қадар оламшумул ишларни ўзбек совет адабиёти муваффақиятлари билан таққослаб кўрсак адабиётимиз халқимиз олдида кўп қарздор бўлиб келаётганлиги аниқ билиниб қолади.

— «Ёзувчиларимиз,— деб таъкидлаган эди Н. С. Хрушчев, — халқнинг турмуши билан яшамоқдалар, улар кўп иш қилдилар ва қилмоқдалар. Уларнинг энг хайрихоҳ ва иштиёқли китобхонлари бор — совет кишилари бор. Лекин совет халқи қилган ишлар шу қадар улкан ва шу қадар гўзал ишлардирки, сиз азиз дўстлар совет халқининг яратувчи ижодкорлик билан тўла ранг-баранг, кўламли бениҳоя кенг ҳаётини кўрсатиб бермоқ учун шу дамгача яратган асарларингизга қараганда бир неча ўн баравар кўп асар яратганингизда ҳам булар камлик қилган бўлур эди».

Ўзбекистон совет адабиётига ҳам шу нуқтаи назардан ёндошганда унинг жиддий бир камчилигини гапирмай ўта олмаймиз.

Ишчилар синфи ҳаётига бағишланган насрий ва шеърий асарларимиз жуда кам.

Маълумки, ҳаёт — меҳнатдадир. Бадиий тараққиёт тарихида меҳнат — инсоннинг яратувчилик даҳоси ҳамиша ёзувчиларнинг, рассомларнинг, композиторлар ва ҳайкалтарошларнинг назар-эътибор марказида тургандир. Ҳар бир улуғ санъаткор инсон меҳнатининг муъжизакор фазилати, унинг ижтимоий моҳиятини кашф этишга ҳаракат қилгандир. Ўтмишнинг буюк санъаткорлари меҳнатни мавжуд синфий қурилишга — золим, жафокор, адолатсиз жамиятга қарши нафрат ва лаънатга айланганини революцион пафос билан тараннум қилдилар. Инсон меҳнати, ўзининг чуқур ва мураккаб ижтимоий хусусияти ва фазилатларининг тўла бадиий эстетик ифодасини М. Горький ижодида, совет адабиётида, ҳозирги социалистик адабиётларда топа олди. «Дунёда меҳнат ва яратувчилик ҳунаридан ҳам буюк қаҳрамонлик йўқдир» деган эди М. Горький.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда, меҳнат одами ҳали ўзбек совет адабиётида етарли аксини топмаган. Катта Фарғона каналини қазиган, Сирдарёни жиловлаб, афсонавий Фарҳод қила билмаган ишни бажариб, қойил қилган, Мирзачўлни яшнатиб, мамлакатга тонна-тонна «оқ олтин» бераётган замондошларимизнинг образларини бадиий ижоднинг энг баланд поғонасига кўтариб, яратиб бера олганимиз йўқ. Биз совет кишисининг маънавий фаолияти соҳасида, унинг онлада, интим ҳаётнинг ўзида илғор савияга кўтарилган зўр ахлоқий-эстетик хусусиятларини ўзида жамлаган образлар воситаси билан кўрсатмоғимиз керак. Совет ёзувчиси — эртанги кунниинг чизиқларини ҳам замондошларининг характерларида жонлантирадилар. Ёзувчилар инсонларни бадиий образлар — инсон образи билан тарбия қилади.

«Кишиларни яхши ибратлар орқали, ҳаётдаги ижодий нарсани кўрсатиб келажакка йўл очиш орқали тарбиялаш керак. Ибратнинг кучи — буюк кучдир, ўртоқлар! — деган эди адабиётимиз жонкуяри Н. С. Хрушчев. Ана шундай ибрат бўладиган асамат, улкан образлар бизнинг прозамизда, драматургиямизда, шеъриятимизда, экранимизда ҳам жудажуда оз. Меҳнат кишиси ҳақида муҳим адабий ҳодисага айланган драматик асар, кинофильмларимиз йўқ даражада оз.

Республикамиз ҳаёти бой, ранг-баранг. Халқимиз қилаётган улуғ ишлар янги темалар қидириб топиш учун кенг имкониятлар очиб беради. Ёзувчи ҳаётдан янги ҳодисаларни, кишилар ўртасидаги янги муносабатларни топа билгандагина унинг асари алоҳида куч касб этади.

Интернационалист ёзувчи ҳеч бир замон миллий маданият билан боғланмаган ва коммунизм қурувчиларининг асл революцион анъаналари билан алоқаси бўлмаган космополит ёзувчи эмас, ва шундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Асл интернационалист ёзувчи бутун чирнган, вақти ўтган, оҳори тўкилган, миллий ниҳатдан чекланган нарсаларни революцион равишда ўртадан кўтариб ташлашни, ўз халқининг маданиятидаги илғор ва прогрессив анъаналарни мутасил равишда ривожлантириб боришни ўзининг асосий вазифалари деб билади.

Фақат шундай ёзувчигина социалистик реализм майдонида маҳкам тура билади. Бугун юраги интернационал туйғу билан қайнаб тошмаган совет кишисини тасаввур қилиб бўладими? Туғишган халқи ҳақида ўйлаб, уни севиб, шу билан бирга ягона қудратли совет давлати ҳақида ўйламаган, ўзининг тарихда кўрилмаган буюк ва кўпмиллатли халқлар онласининг аъзоси бўлганидан фахрланмаган, уни жон-дилидан севмаган совет кишисини топиб бўладими?

Кишиларнинг бу қутлуғ-улуғвор эътиқоди, хусусиятларини ўз асарларида акс эттирмасдан туриб совет ёзувчиси бўлиш мумкин эмас. Социалистик миллатларнинг қардошлик оиласида кўрсатаётган қаҳрамонликлари ҳақида асарлар яратмаган адабиёт — буюк даврнмизнинг буюк адабиёти бўла олмайди. Мамлакатимизда яшаб турган рус, украин, қозоқ, тожик, белорус, озарбайжон, арман, татар, грузин ва бошқа миллатларнинг намояндалари ҳам ўзбек совет адабиётининг туб қаҳрамонларидир.

Бироқ, биз ҳануз адабиётимизда ўзбек халқи билан баравар меҳнат қилиб, республикамиз ҳуснига ҳуси кўшаётган қардошларимизнинг айниқса катта оғамиз улуғ рус халқи фарзандларининг ибратли ҳаётини, образларини қойил қилиб ярата олганимизга йўқ. Ҳар бир совет ёзувчиси асарининг марказида аввало совет инсони, коммунизм идеаллари йўлида қаҳрамонликлар кўрсатаётган совет кишиси гуриши керак. Ҳаётимизнинг салбий томонларини қоралаш, динининг заҳарли таъсирига зарба бериш, «фақат ўзим бўлай, фақат ўзимники» дейдиган шуҳратпарастларни хусусий мулкчилик кайфиятларига, хурофот, бидъат, гуруҳчиликка қарши ўт очиш ва олға қараб қилаётган ҳаракатимизга халақит берувчи кўзбўямачилар, алдоқчилар, чақимчилар, ичвогарлар, пораҳўрлар, харомтомоқ-текинхўрларнинг образларини ибрат учун яратиб, фош этиш совет адабиётининг вазифасидир. Лекин ёзувчи битта-яримта учраб турадиган ҳодисани ткпик ҳодисалардан ажрата билиши, икр-чикр, майда-чуйда билан катта нарсанинг фарқига ета билиши керак.

Замонавий тема ёзувчидан зўр маҳорат талаб қилади. Бу соҳада адабий танқидчиликнинг аҳамияти каттадир. Танқидчилик ёзувчининг замонавий материал устида олиб борган ишига чуқур ўрмат билан қараши, шу билан бирга замонавий темада ғўр, чала асарларнинг пайдо бўлмаслигига замин ҳозирлаш зарур. Кейинги пайтда ўзбек адабий танқидчилигида жонланиш сезиляпти. Замонавий адабиёт масалаларига доир матбуот саҳифаларида чиққан мақолалар диққатни ўзига жалб этади. Лекин адабий танқид ҳали ҳам умумий ўсишдан орқада қолиб келмоқда. Замонавий темаларда асар ёзиш, нақадар буюк изланишлар талаб этса, уни танқид этмоқ ва унга тўғри баҳо бермоқ ҳам шунчалик қийиндир. Бу танқидчидан, назарий ҳозирликни, ҳаётни чуқур билмокликни, юксак маданият, гўзал завқ соҳиби бўлмоқни талаб этади. Мураккаб, бой ҳаётга яқиндан ёндошмаган танқидчи ёзувчидан ҳаётни чуқур ўрганмоқни талаб этганида ўзини ёмон ҳолга солиб қўйиши мумкин. Танқидчилар орасида ўзининг ижодига талабчанлик билан ёндошмаганлар, замонавий ҳаётни акс эттирган асарларнинг жонкуяри бўлиб, танқид қилмайдиганлар ҳали ҳам учраб туради. Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтганидек, албатта бир эпизоднинг, бир бобнинг бўш ёзилиши, бир образнинг кучсиз чиқиши катта бир асарнинг таъдирини ҳал қилолмайди унинг паст савияда ёзилганлигини тасдиқлаш учун асос бўлолмайди. Адабий асарларни текширганда қасддан нуқсон ахтариб кўришга уриниш принципиал объектив хайрихоҳ танқидчининг йўли эмас.

Буюк давр учун буюк адабиёт керак. Мўъжизалар яратаётган мамлакатимизда адабиёт ва санъат учун шарт-шароитнинг каттали ги, имкониятларнинг қулайлиги, миллионларча китобхонлар, томошабинларнинг мавжудлиги, нашриётлар, театрлар, кутубхоналарнинг кўплиги, ҳаётнинг нақадар сермавзу, нақадар илҳомбахшлиги маълум. Бизнинг ёзган ҳар бир мисрамиз, ҳар бир қўшиғимиз матбуот, радио, телевизор воситаси билан дарҳол бутун халққа бориб етади. Шунинг учун ҳам адабиёт ва санъатимиз зўр тарихий силжишлар замонида, улуғ воқеалар жараёнида ривожланиб, баландга кўтариляпти.

Шу кунларда бутун башарият нажот ва гўзал истиқбол умидида Москвага кўз тикқан. Нега десангиз, Ватанимиз пойтахти — Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди очилади.

КПСС Программаси проекти билан руҳланган Ўзбекистон ёзувчилари партиянинг меҳрибонлигига жавобан халқнинг ҳаёти билан яна ҳам яқин алоқада турадилар, бугунги кунниинг ғоят улуғ илҳомбахш воқеаларини. шу кунниинг ўзида олтин эрта, қаҳрамон совет кишисининг образларини бадиий сўз билан нақшлаб қолдириш учун ижодий меҳнат қиладилар.

ИНДОНЕЗИЯЛИК АРТИСТЛАР КОНЦЕРТИ



Меҳмонлар Тошкентда бир неча концерт бердилар. Улар ижро этган жозибали қўшиқ ва рақслар пойтахт томошабинларида зўр таассурот қолдирди. Жаннат ва хор ижросидаги «Син-Син-со», Исмонто ижросидаги «Малая кечалари» қўшиқларида океан қўчоғидаги ороллариниг кўркам манзараси, Ява меҳнаткашларининг орзу-умидлари таранпум этилади. Сурити Суватни ва Жаннатлар «Севги ҳақида қўшиқ», Соловьев-Седойнинг «Москва оқшомлари»ни ҳам ижро этдилар.

Сумардно ижро этган «Маҳобхарата» рақси, Сумардио билан Прититоно ижро этган «Икки жангчи» рақси ҳам томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Меҳмонлар Тошкентдаги гастролларини тамомлаб, Москвага жўнаб кетдилар. Суратда: Индонезиянинг машҳур ашулачиси Марионтта «Боура Вонсоло» қўшиғини ижро этмоқда.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

3%ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

14-ҚЎШИМЧА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1961 йил 30 сентябрда Ленинград шаҳрида бўлиб ўтди.
Заёмнинг ҳамма ўн олти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
000027	15*)	1.000
000562	1—50	40
001958	1—50	100
002248	37*)	1.000
002801	1—50	100
003295	42*)	1.000
003601	06*)	1.000
003859	1—50	40
004053	12*)	2.500
005124	26*)	1.000
005358	1—50	40
005614	20*)	1.000
005705	1—50	40
005778	20*)	2.500
006045	1—50	100
006405	1—50	100
006567	36*)	2.500
006633	1—50	40
007580	45*)	1.000
007653	1—50	500
007980	1—50	100
008083	02*)	1.000
008159	18*)	1.000
008333	03*)	2.500
008613	1—50	40
008780	44*)	1.000
008781	1—50	100
008917	1—50	40
009404	50*)	1.000
009611	37*)	2.500
010734	41*)	1.000
012034	24*)	1.000
013000	1—50	500
013147	11*)	1.000
013400	12*)	1.000
013450	1—50	500
013863	1—50	500
014311	42*)	1.000
014655	28*)	2.500
015110	04*)	2.500
015205	1—50	100
015257	1—50	40
015351	1—50	40
015494	1—50	40
016460	12*)	1.000
017348	1—50	100
017437	30*)	1.000
017609	1—50	40
018267	1—50	40
018373	05*)	1.000
018787	1—50	500
020172	1—50	40
020247	13*)	1.000
020491	1—50	40
020507	38*)	10.000
020987	01*)	2.500
021506	15*)	1.000
022401	1—50	40
023138	34*)	5.000
023237	1—50	500
023465	1—50	100
024292	05*)	1.000
024740	1—50	40
026907	32*)	1.000
027587	10*)	2.500
028503	1—50	100
028838	1—50	100
029105	1—50	40
030266	1—50	40
030568	1—50	40
030625	34*)	2.500
030775	1—50	40
030862	33*)	2.500
031548	49*)	1.000
031910	1—50	40
031993	18*)	1.000
032080	1—50	500
032063	1—50	40
033110	1—50	100
033658	1—50	100
033730	30*)	1.000
034723	1—50	40
034819	1—50	100
035167	1—50	100
035230	47*)	5.000
035381	32*)	1.000
035383	22*)	1.000
035713	1—50	100
036518	1—50	40
036547	1—50	40
036962	1—50	100
037837	1—50	500
038701	1—50	500
038875	17*)	1.000
039336	1—50	100
039719	48*)	1.000
039755	1—50	500
040047	33*)	2.500
040514	1—50	100
042084	1—50	100
042114	35*)	1.000
043264	1—50	40
043460	06*)	1.000
043690	1—50	100
043980	1—50	100
044485	39*)	1.000
044865	09*)	1.000
046381	1—50	100
046458	1—50	100
046546	26*)	2.500
046842	1—50	40
046931	05*)	1.000
047021	1—50	40
048770	1—50	500
048840	1—50	40
048893	1—50	100
049672	36*)	1.000
049723	44*)	2.500
050376	38*)	1.000
050839	1—50	40
051221	26*)	5.000
051769	1—50	40
052312	41*)	2.500
052380	49*)	1.000
052420	1—50	100
053097	11*)	1.000
053376	1—50	40
053642	1—50	100
054002	1—50	40
054072	1—50	100
054385	49*)	1.000
054484	15*)	2.500
054699	1—50	100
055324	1—50	40
056157	1—50	500
057284	1—50	100
057338	34*)	1.000
058514	45*)	1.000
059076	31*)	1.000
059631	19*)	1.000
059922	46*)	5.000
059994	1—50	40
060706	22*)	1.000
061513	1—50	40
062204	1—50	100
062477	1—50	40
063477	49*)	1.000
063588	21*)	1.000
064440	1—50	100
064582	1—50	40
066911	1—50	100
067718	1—50	40
067956	03*)	2.500
068400	33*)	1.000
069317	1—50	40
069344	1—50	500
069557	12*)	1.000
069910	45*)	1.000
070445	1—50	40
070827	39*)	1.000
070975	1—50	100
071247	1—50	100
071286	38*)	1.000
071297	23*)	1.000
072451	1—50	500
072503	35*)	2.500
072644	1—50	100
073050	19*)	1.000
073464	11*)	1.000
073739	1—50	100
073977	1—50	100
074913	48*)	2.500
075245	1—50	40
075418	44*)	2.500
075871	1—50	40
075958	1—50	500
076321	44*)	1.000
076843	1—50	100
076981	46*)	1.000
077034	1—50	40
077035	14*)	1.000
077380	29*)	1.000
077458	1—50	40
078192	14*)	1.000
078737	35*)	1.000
078991	1—50	40
080449	31*)	1.000
080820	1—50	100
082614	06*)	1.000
082877	33*)	2.500
082896	1—50	40
083227	10*)	5.000
083515	1—50	500
084236	50*)	1.000
085219	46*)	1.000
085627	1—50	100
085922	1—50	40
086172	1—50	40
086391	07*)	1.000
087012	32*)	1.000
087373	39*)	1.000
088524	1—50	40
089040	1—50	40
089393	38*)	1.000
089623	1—50	100
090019	1—50	40
090476	02*)	1.000
091262	22*)	2.500
091847	1—50	100
091971	1—50	40
092297	1—50	100
092408	1—50	40
092428	1—50	100
092484	09*)	1.000
093708	02*)	1.000
093950	28*)	1.000
094080	46*)	1.000
094567	38*)	1.000
094901	32*)	1.000
095080	44*)	1.000
095685	18*)	1.000
096107	1—50	100
096118	1—50	40
096363	30*)	2.500
096383	07*)	1.000
097300	37*)	1.000
097465	24*)	2.500
097766	1—50	40
097823	39*)	2.500
099034	1—50	40

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

14-қўшимча тиражда чиққан ютуқлар, ёнида 14-сон талони бўлган облигацияларга тўланади. Ёнида 14-сон талони бўлмаган облигацияларга 14-қўшимча тиражда чиққан ютуқлар тўланмайди. Бундай облигациянинг фақат ўз қиймати тўланади.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари ютуқларни газетанинг янги сони келгандан кейин шу жадвалга қараб белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. С. КУЗНЕЦОВА.
Комиссиянинг масъул секретари Н. В. КУЗНЕЦОВА.

НАТО агентлари устидан суд

КИЕВ, 5 октябрь. (ТАСС). Голланд гражданлари Рейдон Эверт ва Де Яхер Лоулариниг Совет Иттифоқи территориясида олиб борган жосуслик ишлари ҳақидаги ишни очиқ суд мажлисида кўраётган Киев ҳарбий округи ҳарбий трибунали бугун эрталаб гувоҳларни сўрашга киришди.

1957 йил кўкламидаёқ, деб ҳикоя қилади судга Клайпеда портининг маъмури П. И. Мартинов, мен «Палома» деган голланд кемасининг денгизчиларидан бири рейдда турган ҳарбий кемаларни суратга олаётганлигига эътибор берган эдим. Ўша вақтда қонун тартиб бузувчи киши механик Рейдон бўлиб чиққан эди. У қўлга тушган пайтида пленкани оқартириб қўйди.

Голландия разведкасининг агентлари 1961 йилда СССР бўйлаб жосуслик мақсадида саёҳат қилганларида ўз ҳаракатларини ниқоблаб, фотопленкани, кундалик дафтарларини ва бошқа ёзувларини пухталик билан яширдилар. Лекин маршрутдан ҳамиша четга чиқишлар, аэродромларни ва танкодромларни, электр линияларини яширинча суратга олишлар эътиборни жалб этмаслиги мумкин эмас эди.

Автоинспекторлардан В. М. Коняев ва Е. Я. Григоров ҳар қайсиси Симферополь—Ялта автомагистралидаги ўз участкаларида туристлар маршрутидан кўп километр четга чиққан Рейдон ва Де Яхерни ушлаб қолганликларини айтдилар. Бундай тартиб бузишлар ҳақида актлар тузилди.

Ужгород контроль-ўтказиш пунктининг бошлиғи Н. Н. Еркин ва таможня ходими И. Я. Завизион жиноятчиларнинг совет чегарасида қандай қилиб қўлга туширилганликлари тўғрисида ҳарбий трибуналга гапириб бердилар.

Жиноят устида қўлга туширилган агентлар ўз айбларига тўла иқрор бўлишга ва Голландия разведкаси ҳамда НАТОдаги ўз хўжайинларини айтиб беришга мажбур бўлдилар.

Суд далилий ашёларни қараб чиқишга киришади. Бундай далиллар кўп.

Далилий ашёлар судланувчиларга кўрсатилади. Улар бу буюмларнинг ҳаммаси ўзларига қарашли бўлганлигини ва СССР га жўнаб кетиш олдидан уларни Голландия разведкасидан олганлигларини тасдиқлайдилар.

Суд тергови тугади.

Давлат қораловчиси — Киев ҳарбий округининг ҳарбий прокурори, юстиция генерал-майори Г. З. Климовга сўз берилади. Давлат қораловчиси ўз сўзида судланувчиларнинг жиноятқорона ишларини анализ қилиб берди ва буни тўла исботланган деб топиб, суддан Украина ССР Жиноят кодексининг 57 ва 65- моддаларига асосан Рейдон ва Де Яхерни ҳар қайсисини 15 йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилишни сўради.

Сўнгра судланувчиларнинг ҳимоячилари адвокатлар Н. А. Литовченко ва Г. И. Шевченколар сўзга чиқдилар.

Адвокатлар ҳарбий трибуналдан ҳукм чиқариш вақтида Рейдон Эверт ва Де Яхер Лоунинг ёшлигини, ўз айбларига тамомила иқрор бўлганликларини, шунингдек улар Голландия ва Америка разведкалари қўлида фақат кўр-кўрона қурол бўлганлигини назарга олишни сўрадилар.

Рейдон ва Де Яхер ўзларининг охирги сўзларида ўз жосуслик ишларини қоралайдилар ва суддан шафқат қилишни сўрайдилар. Судланувчилар бу суд улар учун катта сабоқ бўлганлигини ва тегишли хулосалар ўтаганларидан кейин жиноятлар йўлига ҳеч қачон кирмаяжакларини айтадилар.

Ҳарбий трибунал кечқуруи ҳукмни эълон қилди. Ҳар иккала судланувчи Украина ССР Жиноят кодексининг 57 ва 65- моддаларида кўзда тутилган жиноятларни қилишда айбдор деб топилди ҳамда ҳар қайсиси 13 йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Залда ҳозир бўлганлар ҳукмни мамнуният билан кутиб олдилар.

Олам да Ҳодиса гап

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 6 октябрь. ТАСС мухбири **В. Богачев** хабар беради: БМТ Бош Ассамблеясининг кеча кундузги ялпи мажлисида умумий сиёсий дискуссия давом этди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан Таиланд ташқи ишлар министри Танат Коман БМТ доирасида «Жаҳонда тинчлик» деган махсус комитет тузишни таклиф этди.

Шундан сўнг Болгария ташқи ишлар министри Карло Луканов катта нутқ сўзлади.

Болгария делегациясининг бошлиғи Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ҳамда Ғарбий Берлинда вужудга келган ғайри нормал аҳволни бартараф қилиш масаласига ўз нутқида батафсил тўхталиб ўтди.

Болгария ташқи ишлар министри БМТнинг мазкур сессиясига СССР делегацияси киритган қуролсизланиш тўғрисидаги таклифни астойдил қувватлади.

Болгария вакили Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқлари дарҳол тикланишини талаб қилди.

Болгария ташқи ишлар министри империалистик давлатларнинг ўз мустамлакалари гўё «равнақ топганлиги» ҳақидаги риёкорлик билан айтган гапларини ёркин мисолларда фош қилиб ташлади.

Шундан сўнг Сомали Республикасининг ташқи ишлар министри Иссага сўз берилди. Исса чет эл территорияларида ҳарбий базаларнинг мавжуд бўлиши — халқаро кескинликнинг асосий манбаларидан биридир, деб таъкидлади. У, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида декларация қабул қилинганига қарамай, хусусан Африкадаги миллион-миллион кишилар ҳамон бир ҳовуч ажнабийларнинг зулми остида қолиб келаётганлигини эслатиб ўтди.

Сомали ташқи ишлар министри Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг вакили йўқлиги натижасида шу ташкилотда вужудга келган ғайри нормал аҳволга делегатларнинг эътиборини қаратиб ўтди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

⊙ **СОФИЯДА Болгария билан Гана ўртасида савдо ва тўлов битимлари имзоланди.** Шунингдек, иккала мамлакат ўртасида илмий-техника ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битим ҳамда граждан ҳаво алоқаси тўғрисида битим имзоланди.

⊙ **ЯПОНИЯДА шу йилнинг бошидан бери кенг истеъмол товарлари нархи 7,5 процент ошди.** Матлубот ташкилотлари умумяпон федерациясининг маълумотларига кўра, масалан, Токиода беш кишидан иборат оиланинг харажатлари шу йилнинг биринчи ярмида, тахминан, уч минг иена ошган.

⊙ **БОННДАН хабар берилишича, 6 октябрга ўтар кечаси Гамбург районида темир йўл фалокати рўй берган.** Шаҳар атрофида қатнайдиган пассажир электропоезди ремонт поезди билан тўқнашган. Фалокат натижасида 40 га яқин киши ўлган ва 70 га яқин киши ярадор бўлган. (ТАСС).

А. А. ГРОМИКО Ж. КЕННЕДИ БИЛАН УЧРАШДИ

ВАШИНГТОН, 7 октябрь. (ТАСС). Кеча маҳаллий вақт билан соат 17 да (Москва вақти билан 7 октябрь соат 1 да) Оқ уйда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашди. Учрашув вақтида АҚШ давлат секретари Д. Раск ва СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ҳозир бўлдилар.

А. А. Громико билан Ж. Кеннединиг учрашуви икки соат 15 минут давом қилди.

Маълум бўлишича, учрашув вақтида Германия сулҳ шартномасини тузиш масаласи, шунингдек Совет—Америка муносабатларининг бошқа баъзи бир муҳим масалалари муҳокама қилиниган.

ВАШИНГТОН, 7 октябрь. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан учрашгандан кейин, кеча кечқурун Нью-Йоркка жўнаб кетди.

ПРЕЗИДЕНТ НОСИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 5 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Қоҳира радиосига асосланиб хабар беришича, президент Носир бугун Қоҳирада сўзлаган нутқида Бирлашган Араб Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакилига Сурининг бу халқаро ташкилотга қабул қилинишига қарши чиқмаслик ҳақида кўрсатма бергалигини айтган. Шунингдек, у Сурининг Араб мамлакатлари иттифоқига қабул қилинишига ҳам қарши эмаслигини айтиб ўтган.

Президент Носир, деб хабар қилади Франс Пресс агентлиги, ҳар қандай давлатнинг Сурия мустақиллигини танишига қаршилик кўрсатмайди.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ОКТЯБРДА

12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг,** 12,20 — **Инглиз тили дарси** (рус тилида), 13.00 — **Чапаев** номли бадиий фильм (телетомошабинлар талабига мувофиқ), 18.30 — **Болалар учун фильм,** 18.50 — **Кун янгиликлари киножурнали,** 19.00 — **Трактор заводи ишчилари куйлайди** (концерт), 19.30—**Телевизион янгиликлар,** 19.50 —**Тўрт сиқпли қўнғироқ** (Марказий телевидение студиясининг эшиттириши), 21.00 — **Эстрада концерти.**

9 ОКТЯБРДА

19.00 — **Кинотопишмоқ** (юқори синф ўқувчилари учун), 19.40 — **Аралаш** (ёшлар учун ўзбек тилида). 20.10 — **Жонажон қўшиқ** (ҳужжатли фильм). 21.10